

УДК 657.47:677.21.021

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

АВТОМАТЛАШТИРИШ, БОШҚАРУВ ВА МАТБАА
ФАКУЛЬТЕТИ

“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ” КАФЕДРАСИ

ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИДА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИНГ
ҲИСОБИ ВА ТАҲЛИЛИ (“ЧИНОЗ ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАСИ”
ОАЖ МИСОЛИДА) МАВЗУСИ БЎЙИЧА ЁЗИЛГАН

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:
т.ф.н., доц. Мажидов А.А.
Маслаҳатчи:
асс.Норматова Г.Х.

Бажарди: “Бухгалтерия ҳисоби ва
аудит” таълим йўналиши битирувчиси
Сабиркулова К.Б.

Тошкент-2014

МУНДАРИЖА

	бет
КИРИШ.....	3
I-БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	8
1.1. «ЧИНОЗ ТАЖРИБА-ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАСИ» ОЧИҚ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ.....	8
1.2. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ТУРКУМЛАНИШИ.....	11
1.3. ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ ВА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ КАЛЬКУЛЯЦИЯ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ.....	21
II-БОБ. «ЧИНОЗ ТАЖРИБА-ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАСИ» ОЧИҚ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИДА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИНГ ҲИСОБИ	32
2.1. ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИНИНГ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.....	32
2.2. КОРХОНАДА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ТАРТИБИ.....	35
III-БОБ. «ЧИНОЗ ТАЖРИБА-ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАСИ» ОЧИҚ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИДА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИНГ ТАҲЛИЛИ	39
3.1. ХАРАЖАТЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЭЛЕМЕНТИ ВА КАЛЬКУЛЯЦИОН МОДДАЛАРИ БЎЙИЧА ТАҲЛИЛИ.....	39
3.2. ТОЛАНИНГ НАВЛАР БЎЙИЧА ТАННАРХИНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	41
3.3. ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	45
IV-БОБ. ЭКОЛОГИК ҚИСМ	48
4.1 ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИДА ЭКОЛОГИК ХАРАЖАТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ.....	48
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	51
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	54
ИЛОВАЛАР.....	56

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда иқтисодий барқарор ва мутаносиб ривожлантириш, иқтисодий ўсишнинг узок муддатли барқарор суръатини ва макроиқтисодий мувозанатини таъминлаш, иқтисодий таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш ва диверсификация қилишга, шунингдек, халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган, миллий ва жаҳон бозорида талабгир рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва самарадорликни оширишга замин яратмоқда.

Мамлакатда қабул қилинган ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг барқарор юқори суръатлари, макроиқтисодий барқарорликни сақлаш ва иқтисодий модернизациялаш таъминланганлиги ҳамда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8,0 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга ўсди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз миқдорда профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади ва 6,8 фоизни ташкил этди. ^[8]

Республикамизнинг энг муҳим тармоқларидан ҳисобланган пахтачилик соҳасининг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий томонларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Масалан, сиёсий нуқтаи назарда пахта комплексини самарали фаолият олиб бориши кўп жиҳатларда давлатнинг мавқеи ва салоҳиятини, унинг жаҳондаги таъсирини таъминлайди.

Ижтимоий жиҳатдан қараганда пахтачилик республика иқтисодиётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, республика аҳолисининг катта қисми бандлиги ва даромадларини таъминлайди.

Пахтачилик иқтисодий томондан олиб қаралганда давлат хўжалигини ривожланишига қўшаётган ҳиссаси, ишлаб чиқариш тузилмаларини шакллантираётганлиги, пахтачиликка йўналтирилаётган инвестициялар ҳажми ва йўналиши билан ажралиб туради.

“Ўзпахтасаноат” уюшмасининг 2013 йил якунлари бўйича берган ҳисоботига кўра, пахта саноати корхоналари томонидан 2013 йилда 3,4 трлн сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 105,6 фоизга, 7,3

млрд сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 110 фоизга таъминланди.

Тармоқдаги пахта тозалаш корхоналари томонидан 3406 минг тонна пахта хом ашёси қайта ишланиб, 1132 минг тонна пахта толаси, 1626 минг тонна чигит ишлаб чиқарилди. Пахта терминалларига 1138 минг тонна тола, ёғ-мой корхоналарига 1460 минг тонна техник чигит етказиб берилди.

2013 йил ҳосили пахта хом ашёсини қайта ишлашдан ишлаб чиқарилган пахта толасининг сифат кўрсаткичи 95,5 фоизга етказилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,0 фоизга ошишига эришилди. “Олий” ва “Яхши” синфга мансуб ишлаб чиқарилган тола 91,0 фоизни ташкил этиб, 3,2 фоизга оширилди. Биринчи синф чигит ишлаб чиқариш республика бўйича 73,4 фоизни ташкил этди.^[23]

Саноатда сарф харажатларни қисқартириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 ноябрдаги 333-сонли қарори ижроси таъминланиб, тармоқ корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари 11,0 фоизга қисқартирилди. Иқтисод қилинган маблағлар соҳани техник ва технологик янгилаш, модернизация ишларини амалга оширишга йўналтирилди.^[11]

Молиявий маълумотлардан фойдаланилган ҳолда корхоналар фаолиятига тўғри баҳо бериш муҳим вазифадир. Ушбу битирув малака ишида «Чиноз тажриба-экспериментал пахта тозалаш корхонаси» ОАЖда бухгалтерия ҳисоботлари асосида корхонанинг харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини дастлабки ҳужжатларда тўғри расмийлаштириш ҳамда ички назоратини таъминлаш, шунингдек, улардан самарали фойдаланиш, шу билан биргаликда таннархни камайтиришга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқаришда калькуляцион моддаларининг таннархдаги улушини ўрганиш ва таҳлил қилиш масалалари ўрганилган ва тавсиялар берилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пахта тозалаш саноати корхоналарида харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархи таҳлилини

такомиллаштиришнинг айрим назарий ва услубий масалалари хорижлик иқтисодчи олимлар М.А.Вахрушина, Н.Д.Врублевский, Н.П.Кондраков, И.А.Ламыкин, В.Ф.Палий, А.Д.Шеремет, шунингдек, Республикамиз иқтисодчилари Э.Ф.Гадоев, Н.Ю.Жўраев, А.К.Иброҳимов, А.А.Каримов, М.Қ.Пардаев, А.Х.Пардаев, К.Б.Ўразов, Д.К.Қудбиев, Б.А.Хасанов, Р.О.Холбеков ва бошқаларнинг илмий ва ўқув-услубий ишларида ўз аксини топган. Бироқ, бу илмий ишларнинг аксариятида бозор муносабатларига ўтиш шароитида юзага келган муаммолар тўлиқ камраб олинмаган, яъни уларнинг айрим жиҳатларигина тадқиқ этилган. Мазкур муаммоларнинг мавжудлиги ва иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитидаги хўжалик юритиш талабларидан келиб чиқиб уларнинг ечимларини ҳал этишнинг муҳимлиги муаммонинг долзарблигини кўрсатиб турибди ва ушбу мавзуда илмий тадқиқотлар олиб боришнинг зарурлигини белгилаб беради.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари - ислохотларни эркинлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялаш шароитида пахта тозалаш саноати корхоналарида харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархи таҳлилини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот олдида қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

– пахта тозалаш саноати корхоналарида харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархи калькуляциясини шакллантиришнинг назарий муаммолари;

– бозор муносабатлари чуқурлашуви шароитларида маҳсулот таннархининг ўрни ва аҳамиятини тадқиқ қилиш;

– модернизация ва техник қайта қуроллантириш шароитида пахта тозалаш саноати корхоналарида тармоқ хусусиятларини эътиборга олган ҳолда харажатларнинг иқтисодий моҳиятини очиқ бериш;

– харажатлар ҳисоби ва таҳлилининг амалдаги ҳолатини таҳлил этиш натижасида таннарх калькуляциясининг турлари ва усулларини туркумлаштириш;

– ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулотни қайта ишлаш харажатлари ҳисобини ташкил этиш муаммоларини аниқлаш;

– харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархи калькуляциясини шакллантиришни такомиллаштириш.

Тадқиқот предмети бўлиб, «Чиноз тажриба-экспериментал пахта тозалаш корхонаси» ОАЖда харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархи таҳлилини ўрганиш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлардан иборат.

Тадқиқот объекти бўлиб, «Чиноз тажриба-экспериментал пахта тозалаш корхонаси» ОАЖда харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархи таҳлилини ташкил қилиш тизими фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асосларини Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятини тартибга солувчи қонунлари, Президентимиз Ислом Каримовнинг иқтисодиётимизни ривожлантириш, ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришга оид Фармонлари, Қарорлари, асарлари ва кўрсатмалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг ҳисоб тизими услубиятига доир меъёрий ҳужжатлари ва йўриқномалари ташкил этади.

Илмий изланиш жараёнида мавзуга оид хорижий, шунингдек мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг илмий ишлари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларидан ва Интернет ресурслари манбаларидан ҳамда «Чиноз тажриба-экспериментал пахта тозалаш корхонаси» очик акционерлик жамияти фаолиятини акс эттирувчи бухгалтерия ҳисобининг ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиб борувчи счёти маълумотлари, статистик маълумотлари ҳамда бошқа турдаги қўшимча маълумотлардан фойдаланилди.

Битирув малакавий ишнинг илмий янгилиги қуйидагилар билан изоҳланади:

– ҳозирги кунда харажатлар ҳисобини ташкил этишнинг ҳолати ва пахта хом ашёсини қайта ишлаш бўйича маҳсулот таннархини ҳисоблашнинг назарий асослари атрофлича ўрганилди;

– пахта тозалаш корхоналарида харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархи таҳлилини ташкил қилиш услубий асослари назарий жиҳатдан таҳлил қилинди;

– пахта тозалаш корхоналарида маҳсулот таннархини бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилди;

– пахта тозалаш корхоналарининг молиявий барқарорлик кўрсаткичларини таҳлил орқали аниқлаштирилди ва унинг ҳолатига баҳо берилди;

– пахта тозалаш корхоналарида харажатларни оптималлаштириш, таннархни пасайтириш жараёнини таҳлил қилиш тартиби ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишида харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархи таҳлили бўйича олинган назарий ва амалий хулосалар, ишланмаларда мазкур муаммонинг ечимини топиш, шунингдек, олиб борилган тадқиқот иши натижаларидан олий ўқув юртларида таълим олаётган иқтисодчи талабаларга бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил фанларини ўқитишда ўқув услубий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин. Битирув малакавий ишида келтирилган фикр-мулоҳазаларни «Чиноз тажриба-экспериментал пахта тозалаш корхонаси» ОАЖ фаолиятида харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархи таҳлилини ташкил қилишга ёрдам беради деб ўйлаймиз. Натижада уларда бухгалтерия ҳисобига маълумотларини назорат қилиш ва фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун мавжуд имкониятлардан фойдаланишга замин яратади.

Тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ қилиш. Ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар «Чиноз тажриба-экспериментал пахта тозалаш корхонаси» ОАЖда харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархи таҳлили бухгалтерия ҳисобини юритиш ва унинг таҳлилини ташкил қилишда фойдаланилади.

БМИ таркибий тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, тўртта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

I БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1 «ЧИНОЗ ТАЖРИБА-ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАСИ» ОЧИҚ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

«Чиноз тажриба-экспериментал пахта тозалаш корхонаси» очик акционерлик жамияти Тошкент вилояти Чиноз тумани Ҳокимининг 2004 йил 07 февралдаги 67 - сон қарори билан очик акциядорлик жамиятига айлантирилган. Охирги марта корхонада 2012 йилда реконструкция жараёни ўтказилган.

Корхона қимматли қоғозлар эмиссияси ҳақида маълумотлар:

Устав фонди	- 749286 минг сўм
Акциялар сони	- 374643 дона
Бир дона акциянинг номинал қиймати	- 2000 сўм

1-жадвал

Акцияларнинг тақсимоти

Устав фондидаги улушлар	Устав фондидаги улуш (%)	Акциялар суммаси (минг сўм)	Акциялар сони (дона)
Solistor Allance LTD	2.27	17042	8521
«Тошкент вилоят пахтасаноат ҳудудий акциядорлик бирлашмаси»	51	382136	191068
Давлат Мулк Қўмитаси Тошкент вилояти	45,78	343000	171500
Эркин савдо ва меҳнат жамоаси улуши	0,95	7108	3554
Жами	100	749286	374643

Корхона туманда етиштирилган пахта хом ашёсини қабул қилиш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотларни етказиб бериш билан шуғулланади. Корхонага 3 та тайёрлов маскани қарайди:

1. Завод қошидаги тайёрлов маскани.

2. «Пахта» тайёрлов маскани.
3. «С. Шамсиев» номидаги тайёрлов маскани.

Ўртача ишчилар сони 320 кишини ташкил қилади. Йилига 20000 тонна пахта хом ашёсини қайта ишлаш қувватига эга 3 та Жин, 6 та Линтер ва 2 та Преслаш ускуналари 3 та сменада ишлаб турибди.

Режалаштирилаётган 2014 йилнинг 1 ярмида 2013 йил пахта ҳосилидан қоладиган 9498 тонна пахта хом-ашёси ҳамда 2014 йилнинг сентябр- декабр ойларида 2014 йил ҳосилидан қабул қилинадиган пахта хом ашёсининг 6967 тоннаси, жами бўлиб, 2014 йил давомида 16465 тонна пахта хом-ашёси қайта ишланади ва 5428 тонна пахта толаси олинади. Шунингдек қайта ишланадиган 16465 тонна пахта хом ашёсини қайта ишлашдан 8894 тонна чигит, 284 тонна линт олинади ва сотилади. Шу жумладан пахта толасидан 18823 млн. сўм, чигитдан 1900 млн. сўм, момикдан 205 млн.сўмлик толали чиқиндидан 20 млн. сўм тушум олиниши режалаштирилмоқда. Асосий фаолиятдан 2014 йил давомида жами 22076,4 млн.сўм тушум олиниши режалаштирилмоқда.

Корхона асосий фаолиятдан ташқари ёрдамчи хўжаликлар бўйича ҳам даромад олади.

1. Пиллахона мажмуаси 1 та, баланс қиймати 700 млн.сўм. Тутзорлар жами 10 гектар.

- пилла етиштириб, сотишдан 1 та қуртхонадан 6 тонна ўртача 5200,0 м.с./ тн, 31,2 млн.сўм;

2. Боғ, 2011 йилда 4,1 гектарга Сербиядан келтирилган олма, олхўри ва нок кўчатлари экилиб, ташкил қилинган.

- мавжуд 4,1 гектар боғда етиштирилган меваларни сотишдан 1,6 млн.сўм;

3. Товукхона МЧЖга айлантирилган бўлиб, корхона томонидан қўшилган улушга нисбатан пай даромади 2198,0 минг сўм олиниши режалаштирилмоқда.

4. Музлаткич, баланс қиймати 235,0 минг сум, 2012 йилда

фойдаланишга қабул қилинган, сиғими 50 тонна.

- музлаткични ижарага беришдан 2,0 млн.сўм даромад олиш режалаштрилади.

Пахта хом ашёсини қайта ишлаш технологик жараёни. Корхонада пахта хом ашёсини қайта ишлаб, ундан барча маҳсулотларни давлат андозалари нормасида олиш жараёнида чигитли пахта ҳаво ёрдамида пахта тортувчи қувурлар орқали Сепаратор СС-15А га келади ва ҳаво оқимидан ажратилган пахта хом ашёси қуришти Барабани 2СБ-10 да иссиқ ҳаво ёрдамида қуриштилади. Қуришти барабанида пахта хом ашёси табиий газдан ёнувчи ИИЧ-1,9 ҳамда иссиқ ҳаво узатувчи ДН 12 дан фойдаланилади.



Қуриштиланган чигитли пахта ҳаво ёрдамида Сепаратор СС-15А орқали тозалаш цехига бориб тушади ва бу чигитли пахта тақсимловчи шнек орқали тозалаш дастгоҳлари, яъни майда ифлосликлардан тозаловчи 1 ХК ҳамда йирик ифлосликлардан тозаловчи УХК дастгоҳларидан ўтиб, Сепаратор СС-15А орқали яна тақсимловчи шнекга бориб тушади. Бу тақсимловчи шнек тозаланган чигит пахтани МУЈМ 90 Е русумли Жинларга тақсимлаб беради. Жинларда ажратилган пахта толаси МҚР 400-1600 русумли тола тозалагич дастгоҳидан тозаланиб ўтиб, ҳаво қувури орқали LLMJ тола конденсорига

боради ва бу жойда тола ҳаводан ажратилиб, тола юрувчи лоток орқали намланиб тола пресслаш UZ MDY-500 русумли гидронасос ёрдамида тойланади, тайёр бўлган маҳсулот тарозидан ўтиб тайёр маҳсулот ташувчи транспортёр орқали тайёр маҳсулот омборига жўнатилади.

Чигитли пахтадан ажратилган чигит маҳсулоти чигит ташувчи конвейерлар орқали ЭС-14 русумли элеваторга бориб тушади ва бу элеватор орқали чигит тақсимловчи шнекга келиб тушади. MR-160-11C русумли линтер дастгоҳидан момиқ ажратиб олинади ва ажратиб олинган момиқлар ҳаво қувурлари ёрдамида КЛ русумли момиқ конденсорга келиб тушади. Ҳаводан ажратилган момиқ маҳсулоти узатувчи шнек орқали UZ MDY-500 русумли пресслаш дастгоҳига келиб тушади, гидронасос ёрдамида тойланади. Тайёр бўлган маҳсулот тароздан ўтиб тайёр маҳсулот ташувчи транспортёр орқали тайёр маҳсулот омборига жўнатилади.

1.2. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ТУРКУМЛАНИШИ.

Пахта тозалаш саноати корхоналарида харажатлар ҳисоби Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги № 54-сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом» асосида олиб борилмоқда. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида корхоналарни барқарор ишлаши кўп жиҳатдан сифатли ва таннархи арзон маҳсулотлар ишлаб чиқаришга боғлиқ. Маҳсулот таннархини бошқариш ва таннархни иқтисодий асосланган ҳолда аниқлаш, уни пасайтириш кўп жиҳатдан харажатлар ҳисобини тўғри ташкил этишга боғлиқ. Харажатлар ҳисобини тўғри ташкил этишда харажатлар элементлари ва моддалари бўйича ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Пахта тозалаш саноати корхоналарда пахта толасини таннархини бошқаришда, унга сарфланадиган харажатлар 2 та катта гуруҳга бўлинади:

1. Пахта хом-ашёсини тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлаш жойига

олиб келиш харажатлари. Булар пахта хом ашёсини уни етиштирувчи хўжаликлардан сотиб олиш, сақлаш ва қайта ишлаш жойига олиб келиш учун транспорт-тайёрлов харажатларидир.

2. Пахта хом-ашёсини қайта ишлаш харажатлари. Булар асосий ишлаб чиқариш цехлари меҳнат ҳақи, ижтимоий мақсадлар учун ажратмалар, ишлаб чиқариш ускуналарини сақлаш харажатлари, умумцеҳ харажатлари ва асосий фаолиятнинг бошқа харажатларидир.

Ушбу харажатлар ҳисобини «Чиноз тажриба-экспериментал пахта тозалаш корхонаси» очик акционерлик жамияти мисолида ўрганганимизда, 2013 - йилда 1-гуруҳ харажатлар - 17884568 минг сўмни ташкил этиб, шундан 16756187 минг сўми тайёрланган 22266 тонна пахта хом-ашёсининг қийматидир. Хом ашё, яъни пахтани корхона давлат харид баҳосида фермер хўжаликларидан сотиб олади. Бевосита пахта хом-ашёсини пахта қабул қилиш масканларида қабул қилиш, сақлаш ва транспорт-тайёрлов харажатлари 1128381 минг сўм бўлган.

2-гуруҳ харажатлари 1988316 минг сўмни ташкил этган.

Биринчи гуруҳ харажатлари 3 харажат моддаси бўйича, иккинчи гуруҳ харажатлари 4 харажат моддаси бўйича ҳисобга олиб борилган. Ушбу харажатларни бошқаришни яхшилаш, улар ҳисобини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги учта гуруҳга ажратиш мумкин:

а. Пахта хом ашёсини қабул қилиш ва сақлаш харажатлари.

б. Пахта хом ашёсини қайта ишлаш жойига (заводга) етказиш бўйича транспорт- тайёрлов харажатлари.

в. Пахта хом ашёсини заводда қайта ишлаш харажатлари.

Ушбу харажатларни ҳисобга олишни қуйидаги харажатлар моддалари бўйича ҳисобга олиб боришни таклиф қиламиз:

1. Пахта хом ашёсини қабул қилиш ва сақлаш харажатлари бўйича:
 - пахта хом ашёсини сотиб олиш.
 - Хўжаликларга хом ашёни пахта қабул қилиш масканига етказиб бериш бўйича қўшимча тўловлар.
 - меҳнат ҳақи харажатлари.

- ягона ижтимоий тўлов учун ажратмалар.
- асосий воситаларни сақлаш харажатлари.
- идиш ва бошқа материаллар харажатлари.
- бошқа харажатлари.

2. Пахта хом ашёсини қайта ишлаш жойига етказиш бўйича транспорт-тайёрлов харажатлари бўйича:

- корхона ўз транспортига харажатлари.
- четдан жалб этилган транспорт харажатлари.
- бошқа харажатлари.

3. Пахта хом ашёсини қайта ишлаш харажатлари бўйича:

- умумцех ходимларининг меҳнат ҳақи ажратмалари билан бирга.
- ўров материаллари.
- ишлаб чиқариш ускуна ва жихозларини сақлаш харажатлари.
- электроэнергия харажатлари.
- меҳнатни муҳофаза қилиш харажатлари.
- бошқа харажатлар.

Пахта хом ашёсини қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш харажатларини таклиф этилаётган харажат моддалари бўйича ҳисобга олиб бориш, бошқарув ҳисобининг ажралмас қисми бўлган ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини такомиллаштириб, қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар таннархини иқтисодий асосланган ҳолда аниқлашга, таннархни пасайишига ва уни бошқариш асосини яратади. Натижада иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаб, пахта хом-ашёсини қайта ишловчи корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошишига олиб келади.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низомга асосан пахта тозалаш корхоналарининг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ харажатлар рўйхати(ЎзР ВМ 11.03.2009 й. 63-сон Қарори таҳриридаги бўлим) келтирилган. Мазкур Низомга мувофиқ барча харажатлар қуйидагиларга гуруҳланади:

- ✓ маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган

харажатлар:

а) бевосита ва билвосита моддий харажатлар;

б) бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари;

в) бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан, ишлаб чиқариш хусусиятларига эга бўлган устама харажатлар;

✓ ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган, бироқ асосий фаолиятдан олинган фойдада ҳисобга олинмайдиган ҳамда давр харажатларига киритилмайдиган харажатлар:

а) сотиш харажатлари;

б) бошқариш харажатлари (маъмурий сарф-харажатлар);

в) бошқа операцион харажатлар ва зарарлар;

✓ хўжалик юритувчи субъектнинг умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинмайдиган хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий фаолияти бўйича харажатлари:

а) фоизлар бўйича харажатлар;

б) хорижий валюта билан операция бўйича салбий курс тафовутлари;

в) қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолаш;

г) молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар;

✓ Фавқулодда зарарлар, у фойдадан олинмайдиган солиқ тўлангунга қадар фойда ёки зарарларни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинади.

Шулардан қуйидагилар маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархига киритилади:

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш таннархига бевосита маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш билан шартланган харажатлар киритилади. Уларга қуйидагилар тегишли бўлади: бевосита ва билвосита моддий харажатлар, бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари, бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар.

Маҳсулот (ишлар, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил

килувчи харажатлар уларнинг иқисодий мазмунига кўра қуйидаги элементлар билан гуруҳларга ажратилади:

- ишлаб чиқариш моддий харажатлар (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган ҳолда);

- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;

- ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар;

- асосий фондлар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;

- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

1. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатларга қуйидагилар тегишли бўлади:

- ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг асосини ташкил этиб, унинг таркибига кирадиган ёки маҳсулот тайёрлашда (ишларни бажаришда, хизматлар кўрсатишда) зарур таркибий қисм ҳисобланган четдан сотиб олинadиган хом ашё ва материаллар.

- нормал технология жараёнини таъминлаш ва маҳсулотларни ўраш учун маҳсулот (ишлар, хизматлар) ёки бошқа ишлаб чиқариш эҳтиёжларига сарфланадиган (асбоб-ускуналар, бинолар, иншоотлар ва бошқа асосий воситалар синовини ўтказиш, назорат қилиш, сақлаш, тузатиш ва улардан фойдаланиш) учун ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган харид қилинадиган материаллар, шунингдек, асбоб-ускуналарни тузатиш учун эҳтиёт қисмлар, инвентарларнинг, хўжалик буюмларининг ва асосий воситаларга кирмайдиган бошқа меҳнат воситаларининг қиймати. (ЎзР ВМ 15.10.2003 й. 444-сон Қарори таҳриридаги банд).

- ташқи юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг ички таркибий бўлинмалари томонидан бажариладиган фаолиятнинг асосий турига тегишли бўлмаган ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ишлар ва хизматлар.

Ишлаб чиқариш характериға эга бўлган ишлар ва хизматларға маҳсулот

тайёрлаш бўйича айрим операцияларни бажариш, хом ашё ва материалларга ишлов бериш, истеъмол қилинаётган хом ашё ва материаллар сифатини аниқлаш учун синовлар ўтказиш, белгиланган технологик жараёнларга риоя этилиши устидан назорат қилиш, асосий ишлаб чиқариш фондларини тузатиш ва бошқалар тегишли бўлади.

Хўжалик юритувчи субъект ичида ташқи юридик шахсларнинг транспорт хизматлари (хом ашё, материаллар, инструментлар, деталлар, танаворлар, юкларнинг бошқа турларини базис (марказий) омбордан цехга келтириш ва тайёр маҳсулотни сақлаш учун омборга келтириш) ҳам ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган хизматларга тегишли бўлади.

- технологик мақсадларга, энергиянинг барча турларини ишлаб чиқаришга, биноларни иситишга сарфланадиган ёнилғининг четдан сотиб олинадиган барча турлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг транспорти томонидан бажариладиган ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича транспорт ишлари.

- хўжалик юритувчи субъектнинг технологик транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжларига сарфланадиган барча турдаги харид қилинадиган энергия. (Хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергиясига ва энергиянинг бошқа турларига, шунингдек, харид қилинадиган энергияни истеъмол жойигача трансформация қилиш ва узатиш харажатлари харажатларнинг тегишли элементларига киритилади).

- ишлаб чиқариш соҳасида моддий бойликларнинг яроқсизланиши ва кам чиқиши. (ЎзР ВМ 15.10.2003 й. 444-сон Қарори таҳриридаги банд).

- хўжалик юритувчи субъектнинг транспорти ва ҳодимлари томонидан моддий ресурсларни етказиш билан боғлиқ харажатлар (юклаш ва тушириш ишлари ҳам шу жумлага кирази) ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли элементларига кириши керак (меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, асосий фондлар амортизацияси, моддий харажатлар ва бошқалар).

- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан моддий ресурсларни етказиб

берувчилардан олинадиган идишлар ҳам моддий ресурслар қийматига киритилади.

- маҳсулот таннархига киритиладиган моддий ресурслар харажатларидан қайтариладиган чиқитлар қиймати ҳамда идиш ва ўраш-жойлаш материаллари қиймати уларнинг амалда сотилиши, фойдаланилиши ёки омборга кирим қилиниши нархи бўйича чиқариб ташланади.

- "моддий харажатлар" элементи бўйича акс эттириладиган моддий ресурслар қиймати сотиб олиш нархидан, шу жумладан, бартер битишувларида, қўшимча нарх (устама)дан, таъминот, ташқи иқисодий ташкилотлар томонидан тўланадиган воситачилик тақдирлашларидан, товар биржалари хизматлари қийматидан, шу жумладан, брокерлик хизматларидан, божлар ва йиғимлардан, солиқлардан (корхона кейинчалик қарз суришиш, масалан, қўшилган қиймат солиғи тарзида қайтариб оладиганлардан ташқари), транспортда ташишга ҳақ тўлашдан, ташқи юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган сақлаш ва етказиб беришга ҳақ тўлашдан келиб чиқиб шаклланади. (ЎзР ВМ 15.10.2003 й. 444-сон Қарори таҳриридаги банд)

2. Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари таркибига қуйидаги моддалар киритилади:

- хўжалик юритувчи субъектда қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларига мувофиқ бажарилган нархномалар, тариф ставкалари ва лавозим маошларидан келиб чиқиб ҳисобланган амалда бажарилган иш учун ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ҳисобланган иш ҳақи, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектни мукофотлаш тўғрисидаги низомларда назарда тутилган рағбатлантирувчи тусдаги тўловлар. (ЎзР Президентининг 27.12.2005 й. ПҚ-244-сон Қарори таҳриридаги банд)

- иш режими ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлган компенсация тусидаги тўловлар, шу жумладан:

- технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, ишдан ташқари вақтда, дам олиш вабайрам (ишланмайдиган) кунларда ишланганлик

учун тариф ставкалари ва окладларга устамалар ва қўшимча ҳақ;

- кўп сменали режимда ишлаганлик, касбларни бирга қўшиб олиб борганлик ва хизмат кўрсатиш зоналарини кенгайтирганлик учун устамалар;

- ҳукумат томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, зарарли, алоҳида зарарли меҳнат ва табиий-иқлим шароитларида ишлаганлик учун устамалар, шу жумладан, ушбу шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун устамалар;

- ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш:

- амалдаги Қонун ҳужжатларига мувофиқ навбатдаги (ҳар йилги) ва қўшимча таътиллار, навбатдаги (ҳар йилги) фойдаланилмаган ва қўшимча таътиллار учун компенсациялар, ўсмирларнинг имтиёзли соатлари, болани овқатлантириш учун оналар ишидаги танаффуслар, шунингдек, тиббий кўриклардан ўтиш билан боғлиқ вақт учун ҳақ тўлаш.

- мажбурий таътилда бўлган ходимларга, асосий иш ҳақини қисман сақлаб қолган ҳолда, ҳақ тўлаш.

- хўжалик юритувчи субъект штатида турмайдиган ходимлар меҳнатига улар томонидан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги тузилган шартномалар бўйича ишлар бажарилганлиги учун ҳақ тўлаш, агар бажарилган иш учун ходимлар билан ҳисоб-китоб хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан амалга оширилса пудрат шартномаси ҳам шу жумлага кирази.

- белгиланган тартибга мувофиқ ишлаб чиқариш жараёнида қатнашувчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондига киритиладиган тўловларнинг бошқа турлари.

3. Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмаларга қуйидагилар кирази:

- қонун ҳужжатлари билан белгиланган нормалар бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш фондига ижтимоий тусдаги мажбурий ажратмалар.

- бюджетдан ташқари пенсия жамғармаларига ва ихтиёрий суғуртанинг бошқа турларига ажратмалар. (ЎзР ВМ 15.10.2003 й. 444-сон Қарори таҳриридаги банд).

4. Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси бўйича харажатлар таркибига қуйидагилар киради:

- асосий ишлаб чиқариш фондларининг дастлабки (тиклаш) қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган амортизация ажратмалари суммаси (ҳисобланган эскириш), лизинг бўйича ва белгиланган тартибда тасдиқланган нормалар, Қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган жадаллаштирилган амортизация ҳам шу жумлага киради.

- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар (Гудвилл (фирманинг нархи)дан ташқари) эскириши ҳар ойда хўжалик юритувчи субъект томонидан дастлабки қиймати ва улардан фойдали фойдаланиш муддатидан (бирок хўжалик юритувчи субъект фаолияти муддатидан ортиқ эмас) келиб чиқиб ҳисобланадиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига тегишли бўлади. Фойдали фойдаланиш муддатини аниқлаш имкони бўлмаган номоддий активлар бўйича эскириш нормаси беш йил ҳисобига белгиланади, бирок хўжалик юритувчи субъект фаолияти муддатидан ортиқ эмас. (ЎзР ВМ 15.10.2003 й. 444-сон Қарори таҳриридаги банд).

5. Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатларни ҳисобга олишнинг навбатдаги комплекс моддалари юқоридаги бандларда келтирилган харажатлар элементлари бўйича қуйидаги тартибда ажратилади:

- ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш харажатлари:

- ишлаб чиқаришни хом ашё, материаллар, ёнилғи, энергия, инструмент, мосламалар ва бошқа меҳнат воситалари ва буюмлари билан таъминлаш харажатлари.

- асосий ишлаб чиқариш фондларини иш ҳолатида сақлаш харажатлари (техник кўрик ва қаров, ўртача, жорий ва мукаммал тузатиш харажатлари). Асосий ишлаб чиқариш воситаларини барча турда (жорий, ўртача, мукаммал) тузатишларни хўжалик юритувчи субъектнинг ўз кучи билан ўтказиш ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли элементлари (моддий харажатлар, меҳнат ҳақи тўлаш харажатлари ва бошқалар) бўйича маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритилади.

- ишлаб чиқариш ходимларини ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган хизмат сафарларига юбориш бўйича харажатлар. (ЎзР ВМ 15.10.2003 й. 444-сон Қарори таҳриридаги банд).

- ишлаб чиқариш ходимларини ва ишлаб чиқариш активларини мажбурий ва ихтиёрий суғурта қилиш харажатлари. (ЎзР ВМ 15.10.2003 й. 444-сон Қарори таҳриридаги банд).

- брак туфайли келиб чиқадиган йўқотишлар.

- ишлаб чиқаришнинг ички сабабларига кўра бекор туришлар туфайли йўқотишлар.

- кафолатли хизмат муддати белгиланган буюмларни кафолатли тузатиш ва уларга кафолатли хизмат кўрсатиш харажатлари.

- маҳсулот (хизмат)ларнинг мажбурий сертификация қилиш харажатлари.

- ишлаб чиқариш жароҳатлари туфайли меҳнат қобилияти йўқолиши муносабати билан тегишли ваколатли органларнинг Қарорлари асосида ва Қарорларисиз тўланадиган нафақалар.

- ишлаб чиқариш жараёнида қатнашадиган ходимларга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари тўлаш билан боғлиқ харажатлар (Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ. ЎзР ВМ 17.02.2010 й. 22-сон Қарори таҳриридаги кичик банд).^[9]

Пахта тозалаш корхоналарида маҳсулот таннархига Низомда келтирилган харажатлар киритилади. Буни пахта тозалаш корхонаси қабул қилган ҳисоб сиёсатида белгилаб қўяди. Битирув малакавий ишининг 2 бобида ушбу пахта тозалаш корхонасининг ҳисоб сиёсати ўрганилган.

1.3. ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ ВА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ КАЛЬКУЛЯЦИЯ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ.

Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усули деганда, ишлаб чиқариш харажатларини ҳужжатлаштириш ва ҳисобда акс эттириш, маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини ҳисоблашни ва маҳсулот таннархини шакллантириш жараёни устидан назорат қилиш учун зарур ахборотни таъминлайдиган усуллари мажмуи тушунилади.

Пахта тозалаш саноати корхоналарида харажатлар ҳисоби, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиқиб қуйидагиларга эътибор қаратиш лозимлигини белгилайди:

- тайёрлов фаолиятида — пахта хом ашёсини сотиб олиш нархи ва тайёрлаш - транспорт харажатлари ҳисобини тўғри ташкил этиш, чунки улар биргаликда пахта хом ашёсини таннархини ташкил этади, яъни франко - тайёрлаш пункти ва франко-қайта ишлаш корхонаси;

- ишлаб чиқариш фаолиятида — ишлаб чиқаришда истеъмол қилинаётган хом ашёнинг қиймати ва пахта хом ашёсини қайта ишлаш харажатлари ҳисобини тўғри ташкил этиш, чунки улар қайта ишлашдан олинган маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархини ташкил этади;

- реализация фаолиятида — маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ харажатлар ҳисобини тўғри ташкил этиш, чунки улар корхонада давр харажатлари таркибига кириб, асосий фаолият даромадлари ҳисобидан қопланади;

- бошқарув фаолиятида — корхонани бошқариш ва ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини тўғри ташкил этиш, чунки ушбу фаолият харажатлари ҳам давр харажатлари таркибига кириб, асосий фаолият даромадлари ҳисобидан қопланади;

- молиявий фаолиятда — молиявий фаолият бўйича харажатлар ҳисобини тўғри ташкил этиш, чунки ушбу харажатлар корхонанинг умумхўжалик фаолияти даромадлари ҳисобидан қопланади.

Умуман олганда, корхонада харажатлар ҳисобини ташкил этиш ишлаб чиқариш ҳисобининг асоси ҳисобланиб, уни мавжудлиги харажатлар устидан назорат қилишни, таҳлилни амалга оширишни ва маҳсулот таннархини иқтисодий асосланган калькуляциясини таъминлаб, бошқарувчиларни зарур ахборотлар билан ўз вақтида таъминлаши лозим.

Пахта тозалаш саноати корхоналари бир вақтда тайёрлаш ва ишлаб чиқариш фаолиятини олиб бориш билан боғлиқ бўлган тармоқ хусусиятига эга бўлганлиги учун, харажатлар ҳисоби ва маҳсулотнинг таннархини калькуляциялаш вазифалари фаолиятнинг тайёрлаш ва ишлаб чиқариш соҳалари бўйича алоҳида бажарилади.

Пахта хом ашёсини тайёрлаш ва қайта ишлаш харажатлари ҳисоби ва пахта хом ашёси, пахта ва ундан олинадиган саноат маҳсулотининг таннархини калькуляциялашда маҳсулотнинг таннархини пасайтиришнинг барча захираларидан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш ҳисобига пахта тозалаш саноати корхоналари самарадорлигини ошириш, пахта хом ашёсини тайёрлаш ва уни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган ҳақиқий харажатларни ўз вақтида ва ишончли акс эттиришни таъминлаш зарур.

Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усуллари кўриб чиқишдан олдин «калькуляция», «таннархни калькуляция қилиш», «таннархни ҳисоблаш» атамаларининг моҳиятини кўриб чиқамиз.

Ҳозирги вақтда «калькуляция» тушунчаси таннархни ҳисоблаш жараёни сифатида айрим муаллифлар томонидан қўлланилмокда. Масалан И.И.Поклад шундай ёзган: «Харажатлар моддалари бўйича маҳсулот (буюм, тур, гуруҳ) бирлигининг таннархини ҳисоблаб чиқиш калькуляция деб аталади.»

Ҳозирги кунда иқтисодчилар кўп ҳолларда калькуляцияни фақат калькуляция қилишнинг натижаси сифатида тушунадилар. Аслида эса, таннархни ҳисоблаб чиқишнинг тўлиқ жараёни ва калькуляция ҳисоблаб чиқишнинг натижаси яъни аниқланган қийматни кўрсатувчи ҳисоб деб

тушуниш керак.

Ҳисоб амалиётида «калькуляциялаш» ва «таннархни ҳисоблаш» тушунчалари ўзаро боғлиқдир, чунки маҳсулотнинг таннархини калькуляция қилиш, маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини ҳисоблашдир.

Иқтисодчиларнинг бир қисми калькуляцияни, бир томондан, маҳсулотни таннархини ҳисоблаш усули, иккинчи томондан ҳисоб жараёнининг якунланишини тушунадилар. Шу жиҳатдан П.А Костюк калькуляцияни «Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва маҳсулот чиқишининг аниқ усуллар ва методлари билан харажатлар гуруҳлаштириладиган ҳолда маҳсулотнинг таннархи ҳисобланадиган якуний боскич» - деб баҳолайди.

Маълумки, калькуляция баҳолаш билан бир қаторда бухгалтерия ҳисоби методининг унсурларидан бири ҳисобланади. Бу мазмунда калькуляция бир жиҳатдан ҳўжалик воситаларини баҳолаш усули сифатида, иккинчи жиҳатдан шундай баҳонинг негизи ва натижаси сифатида намоён бўлади.

Бу фикр П.П.Новиченконинг қуйидаги фикри билан ўхшашдир: «Ҳўжалик воситаларини баҳолашнинг негизида ишлаб чиқариш корхонасининг баҳоланаётган объект (буюм, материал)ни тайёрлаш ёки сотиб олиш учун сарфланган меҳнат ва материал харажатларининг миқдори ётади».

Калькуляция қилиш воситасида аниқланадиган барча харажатлар суммаси ҳақиқий таннархни ташкил этади. Корхона ҳўжалик воситаларини реал пулда, яъни, маълум қийматда баҳоланишининг зарурий шарти уларнинг ҳақиқий таннархини калькуляция қилишдир.

Калькуляцияни бухгалтерия ҳисобининг усули сифатида А.И.Гринман томонидан қуйидагича изоҳланган: «Бухгалтерия ҳисобида тайёрланган материаллар ишлаб чиқилган маҳсулот, бажарилган ишлар таннархини аниқлаш калькуляция деб аталади». Шундай фикрни И.Я.Штейман, А.Я.Важов ва Е.С.Церлевскаялар ҳам билдиришган «калькуляция - кенгайтирилган ишлаб чиқариш жараёнида амалга ошириладиган турли

харажатларни гуруҳлаштириш ва унинг ёрдамида маҳсулот бирлиги таннархини ҳисоблаб чиқишдир». Иқтисодий луғатларда калькуляция тушунчаси юқорида келтирилган олимлар фикри билан мувофиқлашади «калькуляция - маҳсулот (хизматлар) бирлиги таннархини харажатлар турлари (калькуляцион моддалар) бўйича ҳисоблаб чиқиш».

Калькуляцияни айнан шу тарзда тушуниш гоёси В.Ф.Палийнинг «Калькуляциялаш асослари» китобида ҳам илгари сурилган. Аммо унинг китобида калькуляция бошқа тоифа, яъни калькуляциялаш тоифаси билан чамбарчас боғланади. Калькуляция сўзига қуйидагича таъриф берган: «Калькуляция - бу маҳсулотнинг таннархини ҳисоб-китоб қилиш усули». Муаллиф ушбу таъриф туфайли «калькуляция» «калькуляциялаш» нинг таркибий қисми бўлади деб ҳисоблайди ва бундай тушунча иқтисодий адабиётлар XX асрнинг 50 йилларида пайдо бўлган деб таъкидлайди.

Калькуляциялаш тушунчасига ниҳоятда кенг, лекин ноаниқ таърифлардан бирини А.А.Баширов берган. У шундай деб ёзган: «калькуляциялаш - таннарх ҳажмини англашнинг иқтисодий тизими, унинг бутун борлигини ташкил этувчилари ва шаклланишининг техник иқтисодий шароитларидир» бироқ «англашнинг иқтисодий тизими ва техник-иқтисодий шароитлари» деганда нимани тушуниш кераклиги ноаниқ бўлиб қолган.

Фикримизча калькуляция ҳисоби ва калькуляция - бу бир хил тушунча эмас, аммо бир-биридан уларни ажратиш ҳам мумкин эмас.

Ҳисоб усуллари ва ҳисоб кўрсаткичлари қандайдир умумий йиғиндиси мавжуд ва у маҳсулотни калькуляциялаш умумий тизимининг унсури бўлиб хизмат қилади.

Таннархни ҳисоблаш - бу нафақат калькуляция (умумий калькуляция, маҳсулот бирлиги таннархини аниқлаш), бу калькуляцияни ишончли маълумотлар билан таъминловчи ҳисоб усуллари ва ҳисоб-китобларининг йиғиндисидир.

Бу усуллар ва ҳисоб - китобларга ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқишининг синтетик ва аналитик ҳисобини ташкил этиш,

таннархга киритиладиган билвосита харажатларни йиғиш ва тақсимлаш, харажатларни ҳисобдан чиқариш бўлиб, шулар асосида «харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннаҳини калькуляция қилиш усуллари» деб номланувчи атамалар киради.

Калькуляция бухгалтерия ҳисобидан ажралиб чиқди, лекин ундан алоҳида бўлгани йўқ. Ишлаб чиқариш методологиясининг илк босқичларида харажатларнинг аналитик ҳисоби, калькуляциялашнинг негизи эди ва унинг ташкил этилиши маҳсулотнинг таннарҳини ҳисоблаб чиқиш методикасига бўйсунар эди.

Ҳозирги кунда харажатларнинг аналитик ҳисоби калькуляциялаш доирасидаги ишлардан юқори вазифаларни бажармокда, яъни харажатларни пайдо бўлиши жойи, ҳисоб объектлари, жавобгарлик марказлари, харажат меъёрлари бўйича гуруҳлаштиради, меъёрлардан ўзгариш ва четланиши бошқа гуруҳларни келтириб чиқаради. Харажатлар ҳисоби ва калькуляциялаш-мустакил, лекин ўзаро боғлиқ элементлардир. Фақат харажатлар ҳисобида олинган батафсил ахборотларни, калькуляциялаш натижасида олиб бўлмаслиги, харажатлар ҳисоби мукаммалроқлигини кўрсатади. Ҳақиқатда ҳам харажатлар ҳисобини бошқарув мақсадлари учун хоҳланган батафсилликкача олиб бориш мумкин. Шунинг учун ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, калькуляция тизимидан кенгрок, чунки турли аналитик гуруҳларни ўз ичига олади.

Калькуляция калькуляциялашнинг натижаси ҳисобланади. Унинг тузилмасига кўра калькуляция ҳисоб тартиби, ҳисоб-китоб қилиш тизими ва маҳсулот таннарҳи ҳақидаги ахборотларни шакллантирилади. Калькуляцияда ишлаб чиқариш харажатларини тўлиқ очиб берилмаганлиги, унда айрим харажатлар ажратилганлиги, батафсиллиги ва аниқлигига боғлиқ.

Шундай қилиб, «калькуляция», «таннарҳни калькуляция қилиш» ва «таннарҳни ҳисоблаш» атамаларини моҳиятини кўриб чиқиб, атрофлича таҳлил қилиб қуйидаги хулосага келиш мумкин: Калькуляция - бу маҳсулот (иш, хизмат) таннарҳини ҳисоблаш бўйича бажарилган ҳисоб-китоблардир.

Кўпчилик ҳолларда, калькуляция маълум математик амаллар ёрдамида аниқланган рақамларни акс эттирувчи жадвал кўринишида бўлади.

«Таннархни калькуляция қилиш» ва «таннархни ҳисоблаш» атамалари синоним сўзлар бўлиб, бу маҳсулот (иш, хизмат) таннархини аниқлаш жараёнидир. Бунда амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида жами ёки бир birlik маҳсулот (иш, хизмат) таннархи ҳисобланади. Таннархини калькуляция қилиш ёки таннархни ҳисоблаш - бу маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ёки хизмат кўрсатиш учун сарфланган харажатлар асосида бир birlik маҳсулот(иш, хизмат) учун сарфланган харажатларни ҳисоблаш жараёнидир. Бухгалтерия амалиётида жами ёки бир birlik маҳсулот (иш, хизмат) таннархи калькуляция қилинади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида олинган маҳсулотлар шартли равишда 3 га бўлинади:

Асосий маҳсулот. Ишлаб чиқариш қайси маҳсулотни ишлаб чиқариш учун ташкил этилган бўлса, ўша маҳсулот асосий маҳсулот ҳисобланади.

Ёндош маҳсулот. Аҳамияти жиҳатидан асосий маҳсулотдан қолишмайдиган ва асосий маҳсулотни ишлаб чиқариш давомида олинadиган маҳсулотлар ёндош маҳсулотлар дейилади.

Қўшимча маҳсулот. Аҳамияти жиҳатидан асосий маҳсулотдан паст турадиган, лекин асосий маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида олинadиган маҳсулотлар қўшимча маҳсулотлар дейилади. Асосий ва ёндош маҳсулотлар калькуляция объектлари ҳисобланиб, қўшимча маҳсулотлар калькуляция объекти бўлмайди.

Калькуляциялаш усуллари - бу корхона (ташкилот), унинг бўлинмаларида ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматнинг таннархини ҳисоблаш жараёнида фойдаланиладиган усулларнинг илмий асосланган йиғиндисидир.

Калькуляциялаш усуллари деганда ишлаб чиқариш харажатларини ҳужжатлаштириш ва акс эттиришни ташкил этишнинг усуллари йиғиндиси тушунилади. Ишлаб чиқариш харажатларини ҳужжатлаштириш ва акс

этириш тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи шаклланиши ва аниқланиши жараёнини назорат қилишни таъминлайди.

Тайёр маҳсулот таннархини калькуляция қилиш усуллари таснифининг асоси сифатида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, калькуляция объектлар ва маҳсулот таннархини назорат қилиш усуллари тушунилади.

Тайёр маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг кўп сонли усуллари икки асосий йуналиши бўйича таснифлаш мумкин:

- ишлаб чиқариш харажатлари шаклланишини назорат қилишнинг тезкорлиги бўйича;

- маҳсулот таннархини ишлаб чиқариш жараёнида калькуляциялаш ва ишлаб чиқаришнинг ўтган давр харажатларини ҳисоблаш усуллари бўйича.

Тайёр маҳсулотни калькуляциялаш усуллариининг хилма - хиллиги бир қатор омиларда аниқланди ва уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: тармок хусусиятлари ва ташкилий шарт-шароитлар.

Тармок хусусиятлари ишлаб чиқиляётган маҳсулот, бажариляётган иш ва кўрсатилляётган хизмат, ишлаб чиқариш характери ҳамда қўлланиляётган технологиялар номенклатурасига боғлиқ. Бу омиллар аниқ шароитлардан келиб чиққан ҳолда ўзгаради ва ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини ташкил этиш, маҳсулот таннархини калькуляция қилиши методларини танлашга кучли таъсир ўтказади.

Ташкилий шарт-шароитлар корхонада шаклланади. Улар ишлаб чиқариш харажатларининг бошқарув ҳисобида юритилиши ва корхона тузилмавий бўлинмалари хўжалик фаолиятининг ривожланганлиги даражасига боғлиқ. Бошқарув ҳисобини харажатларни пайдо бўлиш жойлари ва харажатлар марказлари бўйича юритилишини, жавобгарлик марказларида харажатларни гуруҳланишини ташкилий шарт-шароитлар белгилаб беради.

Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг қуйидаги усуллари кенг тарқалган ҳисобланди:

- ✓ оддий усули;
- ✓ меъёрий(норматив)усули;

- ✓ буюртмали усули;
- ✓ бўлинмали (жараёнли) усули;
- ✓ «директ-костинг» усули;
- ✓ «стандарт - кост» усули.

Ушбу усулларнинг асосий мазмунини кўриб чиқамиз. Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг оддий усули – маҳсулот(иш, хизмат) таннархига киритиладиган бевосита ва билвосита харажатларни алоҳида счетларда ҳисобга олиб бориб, маҳсулот(иш, хизмат) таннархини аниқлашдан олдин, билвосита харажатлар белгиланган тартибда харажат объектлари ўртасида тақсимланади. Натижада, ҳар бир харажат объектлари бўйича жами олинган маҳсулотлар таннархини ташкил этувчи харажатлар аниқлаб олинади. Агар харажат объекти ҳам битта, калькуляция объекти ҳам битта бўлса, жами харажат маҳсулот миқдорига бўлиниб маҳсулот таннархи калькуляция қилинади.

Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг меъёрий усули – ишлаб чиқариш харажатларини олдиндан меъёрлаштириш, меъёрлар бўйича уларни ўзгариши ва келгусида меъёрлардан оғишишларни аниқлашни ҳисобга олган ҳолда олдиндан ҳисоб-китоб қилиш ҳисобланади. Меъёрий усул ишлаб чиқариш жараёнини режалаштириш ва ташкил этиш билан чамбарчас боғлиқдир, чунки бу усул ишлаб чиқариш операцияларида меҳнат ва материал ресурслари харажатларини олдиндан меъёрлаштиришни назарда тутди.

Меъёрий усулнинг энг зарур унсури меъёрлар, уларнинг сабаблари ва омилларининг ўзгаришидир. Бунинг натижасида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ишлаб чиқариш ресурсларини тежаш бўйича илмий-техник ва ташкилий чора-тадбирларни тадбиқ этилиши ва самародорлигини тезкор назорат қилишга мувофиқ бўлинади.

Харажатлар ҳисоби ва маҳсулотлар таннархини калькуляция қилишнинг меъёрий усули ҳисобот даврининг охирини кутмасдан, маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархини ҳисоблаш, шунингдек доимий равишда четланишлар

сабабини таҳлил қилиш ва тегишли равишда бошқарув қарорларини қабул қилишга шароит яратиб беради.

Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг буюртмали усулининг моҳияти шундан иборатки, бунда ҳар бир олинган буюртма бўйича харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш алоҳида ҳисобга олиб борилади. Бунинг учун бухгалтерияда ҳар бир буюртма бўйича харажатларни ҳисобга олиб бориш учун алоҳида аналитик счетлар очилиб, ушбу аналитик счетларда маҳсулот таннархига кирувчи тўғри(бевосита) харажатлар ҳисобга олиб борилади.

Маҳсулот таннархига қўшиладиган умумишлаб чиқариш харажатлари(билвосита харажатлар) корхонада қабул қилинган тартиб асосида тақсимланиб, ҳар бир буюртма асосида ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига қўшилади. Бевосита ва билвосита маҳсулот таннархига кирувчи харажатлар асосида, ҳар бир буюртма бўйича тайёрланган маҳсулот таннархи алоҳида аниқланади.

Ушбу усулнинг камчилиги бўлиб, маҳсулот таннархига кирувчи умумишлаб чиқариш харажатлари(билвосита харажатлар)нинг ҳақиқий суммаси ҳисобот даврининг охирида маълум бўлади. Йилнинг оралиғида буюртмалар бўйича маҳсулот таннархи аниқланганда, режадаги(шартли) билвосита харажатлар маҳсулот таннархига қўшилади.

Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг бўлинмали (жараёнли) усули. Айрим ишлаб чиқаришлар тайёр маҳсулот олиш учун саноат ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсини кимёвий-физикавий, биологик ва термик жараёнлар асосида тартибли қайта ишлаши билан характерланади. Бундай ишлаб чиқаришларнинг ўзига хос хусусияти уларда бир неча бўлим (жараён)лар бўлиб, бу бўлим(жараён)лар натижасида оралик маҳсулот (ярим тайёр маҳсулот) ёки якунланган тайёр маҳсулот олинади. Бундай ишлаб чиқаришларда ҳисоб объекти – ҳар бир мустақил қайта ишлаш бўлинма(жараён) лари ҳисобланади ҳамда харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг бўлинмали(жараёнли) усули

қўлланилиб ҳар бир технологик жараёнлар бўйича алоҳида аналитик ҳисоблар очирилиб, аналитик ҳисобларда ишлаб чиқариш харажатлари ва олинган маҳсулотлар алоҳида ҳисобга олиб борилади. Натижада ҳар бир бўлинма (жараён) бўйича олинган ярим тайёр ёки тайёр маҳсулот таннархини калькуляциялаш имкони пайдо бўлади.

Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг «директ костинг» усули бўйича калькуляциялаш чоғида таннархни назорат қилувчи моддалар сони қисқаради, аммо бу ҳолатда харажатларни доимий ва ўзгарувчиларга фарқлаш қийинчилиги юзага келади. Шунинг учун тўлиқ таннархни аниқлаш мақсадида қўшимча қўп меҳнат талаб қиладиган ҳисоб - китоблар талаб этилади. Лекин бу камчиликлар ҳисоб ёзувлари бўйича доимий равишда маржинал даромадни қайд этиб бориш ва ишлаб чиқариш ҳажмининг критик нуктасида ҳисоблаш учун зарур маълумотларни йиғиш имкониятларига эга бўлиш ҳисобига қопланиб кетади.

Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг «стандарт - кост» усули. Бу усулнинг асосий хусусияти - четлашишларни тезкор аниқлаш ва бу четлашишлар бўйича харажатларни тезкор бошқаришдир. Таннарх стандартлари ишлаб чиқариш бўлинмасининг бошқарувчисига етказилади ва бу унга ишлаб чиқариш жараёнида ресурслар сарфланишининг энг маъқул вариантини танлашга имкон беради. Бу тизим асосан ишлаб чиқаришнинг тўғри харажатлари(меҳнат, материал)ни назорат қилишда қўлланилади. Харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархини калькуляция қилишнинг «стандарт-кост» усули амалиётини умумлаштириш асосида «стандарт-кост» тизими бўйича оғирлик маркази аста-секин маҳсулот калькуляциясидан ишлаб чиқариш чоғида харажатларнинг тезкор назоратига ўтказилиши кузатилган. Ишлаб чиқариш участкаларида ва иш жойларида стандарт харажатларга аниқ амал қилиш якуний натижада стандарт калькуляция томонидан назарда тутилган маҳсулотнинг таннархини таъминлайди.

Хулоса қилганимизда, ишлаб чиқариш корхоналарида харажатлар

ҳисоби ва маҳсулот таннарҳини калькуляция қилишнинг бир неча усуллари мавжуд. Ушбу усулларни атрофлича ўрганиш натижасида, уларни қўллаш корхонада ишлаб чиқариш жараёнининг хусусияти, ишлаб чиқариш ҳажми ва бошқа омилларга боғлиқлиги кўриб чиқилди. Пахта тозалаш саноати корхоналарида ҳозирги кунда харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннарҳини калькуляция қилишнинг оддий усули қўлланилади. Қўлланилаётган ушбу усулда меъёрий (норматив), бўлинмали ва «стандарт - кост» усулларининг ҳам айрим жиҳатлари мавжудлиги тадқиқотлар давомида аниқланди. Пахта тозалаш саноати корхоналарида жаҳон амалиётида синовдан ўтган «стандарт-кост» усулини қўллаш таклиф этилди. Ушбу усулда харажатлар бўйича четланишларни тезкор аниқлаш имконияти мавжудлиги, харажатларни тезкор бошқаришни таъминлайди. Натижада, харажатларни назорат қилиш билан бирга камайтириш чоралари кўрилади. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, «стандарт - кост» усулини қўллаш, амалда пахта тозалаш саноати корхоналарида қўшимча ҳисоб-китоблар олиб боришни талаб қилмайди, чунки харажатлар меъёри тегишли тасдиқланган меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топган.

II-БОБ. «ЧИНОЗ ТАЖРИБА-ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАСИ» ОЧИҚ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИДА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИНГ ҲИСОБИ

2.1. ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИНИНГ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.

Рақобатга асосланган бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг кўпчилик қисми молиявий хўжалик фаолияти халқ хўжалигининг қайси тармоғига қарашлилигидан қатъий назар хўжалик ҳисоби тизимига асосан иш юритади.

Бухгалтерия ҳисоби хўжалик юритувчи субъектлари мулкларининг ҳаракатини тўлиқ, ёппасига, узулуксиз ўз усулларига асосан ҳисобга олишга асослангандир. Корхоналарда хўжалик жараёнларини кузатиш, фаолият молиявий натижасига баҳо бериш зарур бўлиб, бу заруриятни амалга ошириш учун кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Кўрсаткичлар ёрдамида корхона бизнес-режасининг бажарилиши, товар-моддий захиралари меъёрига, ходимлар штат рўйхати ва бошқа меъёрий кўрсаткичларига риоя этилиши шунингдек, режа (маҳсулот ишлаб чиқариш, товар айланиши, иш бажариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа) кўрсаткичларининг бажаришлари назорат қилинади.

Кўрсаткичлар иқтисодий мазмунига кўра, миқдорий ва сифат кўрсаткичларига бўлинади.

Миқдорий кўрсаткичлар корхона хўжалик фаолиятидаги у ёки бу жараён ҳақидаги маълумотга эга бўлиш имкониятини беради.

Пахта тозалаш саноати корхоналарида харажатлар ва олинган маҳсулотларни бухгалтерия ҳисоби ҳисобларида акс эттириш Молия вазирлигининг 2002 йил 9-сентябрдаги 103-сонли буйруғи билан тасдиқланиб, Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан руйхатга олинган № 21 бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисоблари режаси ва уни қўллаш бўйича Йуриқнома» асосида амалга

оширилади.

Пахта тозалаш саноати корхоналарида пахта хом ашёсини сотиб олиш, сақлаш, жойига етказиш ва қайта ишлаш харажатларини ҳисобга олишда қуйидаги бухгалтерия счётларидан фойдаланилади:

1010- Хом ашё ва материаллар.

1510- Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш.

2010- Асосий ишлаб чиқаришлар.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, пахта тозалаш саноати корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот чиқиши бўйича қўлланиладиган бухгалтерия счётларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Пахта тозалаш саноати корхоналарининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, пахта хом ашёсини сотиб олиш, сақлаш, жойига етказиш ва қайта ишлаш харажатларини ҳисобга олишда қуйидаги бухгалтерия счётларини таклиф қиламиз:

1010- Пахта хом аёси.

2010- Асосий ишлаб чиқариш.

2020- Пахта хом аёси сотиб олиш ва сақлаш харажатлари.

2030- Пахта хом аёсини қайта ишлаш жойига етказиш харажатлари.

1010- «Пахта хом аёси» счётида пахта хом аёсини қиймати пахта етиштирувчи хўжаликлардан давлат харид нархлари асосида сотиб олган баҳода акс эттирилиб, аналитик счётлар пахта хом аёсини саноат сортлари ва синфлари бўйича акс эттирилади.

2010- «Асосий ишлаб чиқариш» счётида пахта хом аёсини сотиб олиш, сақлаш ва қайта ишлаш жойига етказиш харажатлари билан пахта хом аёсини қайта ишлаш харажатлари ҳисобга олиб борилади.

2020- «Пахта хом аёсини сотиб олиш ва сақлаш харажатлари» счётида пахта хом аёсини сотиб олиш ва сақлаш билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олиб борилади ва бу харажатлар сотиб олинган пахта хом аёсининг физик салмоғига қараб тақсимланиб, хом ашё қайта ишлашга берилганда, асосий ишлаб чиқаришлар харажатига ўтказилади.

2030- «Пахта хом ашёсини қайта ишлаш жойига етказиш харажатлари» счётида пахта хом ашёсини сақлаш жойи (пахта қабул қилиш масканидан) қайта ишлаш жойи (пахта тозалаш корхонаси)гача етказиш бўйича транспорт-тайёрлов харажатлари ҳисобга олиб борилади. Ушбу харажатлар ҳам пахта хом ашёси қайта ишлашга берилгандан сўнг, 2010 «Асосий ишлаб чиқаришлар» счётига ўтказилади.

Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқаришда сарфланадиган харажатлар 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счётида аста-секинлик билан йиғилиб борилади. Ишлаб чиқариш жараёнида бухгалтерия ҳисобининг олдида кўйидаги вазифалар қўйилади:

а. Ишлаб чиқариш ҳақиқий ҳажмларни аниқлаш бунда жами ишлаб чиқарилган маҳсулот, ҳамда маҳсулот ҳар бир тури бўйича миқдор кўрсаткичларга эга бўлинади. Олинган маълумотлар ҳам натура, ҳам пул ўлчов бирлигида бўлади;

б. Маҳсулот ҳақиқий таннархини ҳисоблаш. Бунинг учун ишлаб чиқарилган барча маҳсулот ва унинг ҳар бир тури бўйича таннархга киритилган харажатлар ҳақидаги маълумотлардан фойдаланилади. Масалан, ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг меҳнат ҳақи, материаллар қиймати, маҳсулот ишлаб чиқаришда бевосита қатнашган асосий воситаларга ҳисобланган эскириш суммаси ҳамда ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи ёрдамчи ва умумишлаб чиқариш харажатлари.

Маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси мураккаб, ҳамда узлуқиз бўлса, ҳар ойнинг охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш юзасида қолдиқлар аниқланади. Тугалланмаган ишлаб чиқариш бу барча ишлаб чиқариш боскичларидан ўтмаган техника назорати томонидан текширув қабул қилинмаган буюм ва маҳсулотлардир, яъни улар технологик жараён ва стандартлар талабларига жавоб бермайди. Тугалланмаган ишлаб чиқариш 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти дебетида қолдиқ сифатида ҳисобга олиниб, инвентаризация усули орқали аниқланиши ёки норматив (режа)даги ишлаб чиқариш таннархи бўйича баҳоланиши мумкин.

2.2. КОРХОНАДА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ТАРТИБИ.

Корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнининг алоҳида хусусиятидан келиб чиққан ҳолда бухгалтерия ҳисоби қуйидагича юритилади: ^[12]

1. Пахта хом ашёсини қабул қилиш бўйича харажатларнинг ҳисоб китоби.

Корхонанинг асосий фаолиятида пахта хом ашёсини тайёрлаш ва ишлаб чиқаришга чиқим қилиш алоҳида ўрин тутганлиги сабабли, ушбу ҳолатни бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни, 21-сонли БҲМС талабларидан ва мазкур корхонанинг ҳисоб сиёсати ҳамда счётлар режаси асосида қуйидагича амалга оширилади:

2-жадвал

Операция мазмуни	Дебет	Кредит	А с о с :	Изоҳ
Пахта хом ашёси қабул қилинди (Пахта хом ашёси намлиги нормадан юқори бўлган харид нархидан меъёрдан ортиқ ҳар бир фоиз учун 0,5 фоиз миқдорида чегирмани ҳисобга олган ҳолда)	1010	6390	Счёт фактура, 17-ПК	18935640
Транспорт харажати (фермердан пахта қабул қилиш масканигача)	1520	6390	17-ПК ва бирламчи ҳужжатлар.	1128381
Транспорт харажати фермерга тўланди	5110	6390	Тўлов ҳужжати	1128381
Уруғлик пахта учун 1-босқичи ҳисобланди	3190	6390	17-ПК	192341,2
Қуритиш ва тозалаш хизмати учун фермер хўжалигидан ушлаб қолинди	6010	8910	17-ПК	
Қуритиш ва тозалаш хизмати учун фермер хўжалигидан ушлаб қолинган сумма ҚҚС ҳисобга олинди	6010	6415	Счёт фактура,	
Иш хақи харажати	1520	6710	табель, наряд, ведомость	3590,9
Ягона ижтимоий тўлов	1520	6520-6530	ҳисоб-китоблар	897,7
Электрэнергия ва газ учун тўлов	1520	6010	ҳисоб-китоб	271,6

Транспорт ва бошқа харажатлари	1520	6010	ҳисоб-китоб	755314
Ёқилғи	1520	1030	ҳисоб-китоб (ёки ҳисоб)	23907
Материал харажатлари	1520	1020-1090	ҳисоб-китоб (ёки ҳисоб)	17884568
Пахта қабул қилиш масканларидаги асосий воситалар эскириши	1520	0210-0299	ҳисоб-китоб	953

2. Қуритиш тозалаш цехи харажатлари.

Пахтани тайёрловчи корхоналар томонидан пахта етказиб беришда тақдим қилинадиган 17-ПК ва счёт фактуралар асосида қуритиш тозалаш учун белгиланган тартиб асосида ҳисоб-китоб қилиниб, қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда бухгалтерияда 9370 счётида акс эттирилади.

Пахта хом ашёси қабул қилингандан сўнг, қуритиш тозалаш ишлари амалга оширилади. Бу ҳолатни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки, қуритиш тозалаш ишлари қабул қилинган пахта хом ашёсини ишлаб чиқаришга чиқим қилингунга қадар давом этади. Бухгалтерия ҳисобини юритишда ушбу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда қуйидагича акс эттирилади :

3-жадвал

Операция мазмуни	Дебет	Кредит	А с о с :	Изоҳ
Пахта хом-ашёси куйиндиси	2310	1010	Ҳисоб-китоблар	
Иш ҳақи харажати	2310	6710	табель, наряд. ведомость	
Ижтимоий суғуртага ажратма	2310	6520-6530	ҳисоб-китоблар	
Электрэнергия ва газ учун тўлов	2310	6010	ҳисоб-китоб	
Ёқилғи	2310	1030	Ҳисоб-китоб (ёки ҳисоб)	
Пахта қабул қилиш масканларидаги асосий воситалар эскириши	2310	0210-0299	ҳисоб- китоб	
Қуритиш тозалаш цехи харажатлари келгуси харажатлар ва тўловлар заҳирасига ўтказилди	8910	2310	Ҳисоб-китоб	

**3. Асосий ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ харажатларни
счётларда акс эттириш тартиби.**

4-жадвал

Операция мазмуни	Дебет	Кредит	А с о с :	Изоҳ
Моддий харажатлар	2010,2310 2510,2710	1010-1090 2110	материал ҳис- ти иш.чик.ҳис-ти	19585709
КБ ваТЭБ ларни чиқим қилиш	2010,2310 2510,2710	1080	акт, қарор	
Тайёрлов харажатлари	2010,2310 2510,2710	1510	Материал ҳисобот, иш.чик.ҳис-ти	
Иш ҳақи ҳисоблаш	2010,2310 2510,2710	6710	ҳисоб-тулов ведомости	450435
Ягона ижтимоий тўлов	2010,2310 2510,2710	6520- 6530	ҳисоб-китоб	112608
Асосий воситалар бўйича эскириш ҳисоблаш	2010,2310 2510,2710	0212- 0290	ҳисоб-китоб	56150
Номоддий активлар эскириши	2010,2310 2510,2710	0510-0590	ҳисоб-китоб	-
Хизматларга ҳақ ҳисоблаш	2010,2310 2510,2710	6010,6110, 6990	счёт-фактура. (пахта хом ашёси бошқа ПТҚда қайта ишлаш тегирмон ҳақи)	
Хизмат сафари харажатларини ҳисоблаш	2010,2310 2510,2710	6970	аванс ҳисоботи	
Келгуси давр харажатларини чиқим қилиш	2010,2310 2510,2710	3110- 3190	ҳисоб-китоб	
Ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва хўжаликлар харажатларини чиқим қилиш	2010	2310,2510 2710	ҳисоб-китоб	812525
Ишлаб чиқариш якуни билан хўжаликларга ҳисобланган 60 фоиз қўшимча ҳақ ҳисобланди	2010	6010	Ҳисоб-китоб ва далолатнома.	
Тайёр маҳсулотнинг чиқиши	2810	2010	Ҳисобот	23321771,8

«Чиноз тажриба-экспериментал пахта тозалаш корхонаси» очик акционерлик жамиятида 2013 йилда маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланди:

1.	Материаллар	20064027,1 минг. сўм
2.	Электр энергия	626596,4 минг. сўм
3.	Кредиторлар	705 минг. сўм
4.	Меҳнат ҳақи	306791,8 минг. сўм
5.	Меҳнат ҳақидан келиб чиқиб 25% ягона ижтимоий тўлов суммаси	76697,9 минг. сўм
6.	Бошқа ишлаб чиқариш сарфлари	1254934,7 минг. сўм
7.	Тайёр маҳсулот чиқарилди	23321771,8 минг. сўм
	Йил бошига	992018,9 минг. сўм
	Йил охирига	0 сўм

Юқоридаги операцияларни бухгалтерия проводкалари орқали акс эттиришни схемаси қуйидаги кўринишда бўлади.

Д-т.	2010 «Асосий ишлаб чиқариш харажатлари»	К-т
Йил бошига қолдиқ 992018868 сўм 1010 сч. 20064027091 сўм 7920 сч. 705020 сўм 6710 сч. 306791803 сўм 6521 сч. 76697953 сўм 1061 сч. 626596392 сўм 2510 сч. 1254934691 сўм		23321771818 сўм 2810сч.
Оборот 22329752950 сўм		Оборот 23321771818 сўм
Йил охирига қолдиқ 0 сўм		

Ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий таннархини аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$T=X+B-O$$

Бу ерда: Т- Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи

Х- Ишлаб чиқариш харажатлари

Б- Тугалланмаган ишлаб чиқаришни ҳисобот даврининг бошига қолдиғи.

О- Тугалланмаган ишлаб чиқаришни ҳисобот даврининг охирига қолдиғи.

$$T= 22329752950+992018868-23321771818=0$$

III-БОБ. «ЧИНОЗ ТАЖРИБА-ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАСИ» ОЧИҚ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИДА МАҲСУЛОТ ТАННАРХИНИНГ ТАҲЛИЛИ

3.1. ХАРАЖАТЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЭЛЕМЕНТИ ВА КАЛЬКУЛЯЦИОН МОДДАЛАРИ БЎЙИЧА ТАҲЛИЛИ

Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини ривожлантириш мақсадида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида унинг йўналишлари бўйича гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

1. Харажатларнинг иқтисодий элементлари бўйича.
2. Харажатларнинг калькуляцион моддалари бўйича.

5-жадвал

Ишлаб чиқариш харажатларининг иқтисодий элементи ва калькуляцион
моддалари бўйича туркумланиши.

Иқтисодий элементи бўйича	Калькуляцион моддалари бўйича
Ишлаб чиқариш характеридаги бевосита ва билвосита моддий харажатлар	1.Хом ашё 2. Ёқилғи 3.Электр қуввати 4.Эхтиёт қисмлари 5.Идишлар ва ҳоказо
Ишлаб чиқариш характеридаги бевосита ва билвосита меҳнат ҳақи харажатлари	1.Асосий иш ҳақи 2.Қўшимча иш ҳақи 3.Иш ҳақиға устамалар
Ишлаб чиқаришга тааллуқли иш ҳақидан ажратмалар	1.Ягона ижтимоий тўловга 2.Бандликка кўмаклашиш жамғармасига 3.Касаба уюшмасига
Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси, эскириш харажатлари	1.Асосий воситаларнинг эскириши 2.Номоддий активларнинг эскириши 3.Асосий восита ва номоддий активларнинг ижара ҳақлари
Ишлаб чиқариш характеридаги бошқа харажатлар	1.Турли ишлар ва хизматлар 2.Солиқлар, йиғимлар ва ҳоказо.

Харажатларнинг элементи бўйича гуруҳларга ажратишдан мақсад уларнинг структураси ва динамикасини назорат қилишдан иборат.

Кўрсаткичларни таққослаш орқали жонли меҳнат билан бошқа харажат

турларининг нисбати, ишлаб чиқариш захираларини нормаллаштириш ва таҳлил этиш, оборот маблағларининг тезлигини аниқлаш ва миллий даромадни ҳисоблаш имконияти туғилади.

Харажатларнинг элементлари бўйича таҳлил натижаларига мувофиқ материал сиғими, меҳнат сиғими ва фонд сиғими даражалари бўйича таннархни пасайтириш имкониятларини аниқлаш мумкин.

Таҳлил этишда жами харажатлардаги ҳар бир элементнинг тутган салмоғи аниқланиб, ўтган йилдагиси ҳамда сметадаги кўрсаткичлар билан таққосланиб, уларнинг ўзгариш сабаблари аниқланади.

Ишлаб чиқариш харажатларини иқтисодий элементлари ва калькуляцион моддалари бўйича ўрганиш қуйидагича фарқланади, яъни, бўлимлар ва корхона бўйича жами харажатлар фақат иқтисодий элементлари бўйича ўрганилади. Маҳсулотлар тури ва туркуми бўйича эса ишлаб чиқариш харажатлари калькуляцион моддалари асосида кўриб чиқилади. Таҳлил этишда ишлаб чиқариш харажатларининг жами таркиби бўйича ўзгаришлари мутлоқ ва нисбий жиҳатдан ўрганилади. Нисбий жиҳатдан ўрганишда ҳар бир туркум харажат моддаси ёки элементининг жами ишлаб чиқариш харажатлари таркибидаги салмоғига баҳо берилади.

6-жадвал

«Чиноз тажриба-экспериментал пахта тозалаш корхонаси» очик акционерлик жамиятида 2012-2013 йилларда харажатларнинг иқтисодий элементлари бўйича таркибининг таҳлили.

Харажат гуруҳлари	2012 йил		2013 йил		Фарқи (+,-)
	Сумма, минг сум	Жамига нисбатан салмоғи, %	Сумма, минг сум	Жамига нисбата н салмоғи, %	
1. Моддий харажатлар	17019779	92,4	19585709	92,8	2565930
2. Меҳнат ҳақи харажатлари	436280	2,4	450435	2,1	14155
3. Ижтимоий суғурта ажратмалар	109069	0,6	112608	0,5	3539
4. Амортизация ажратмалари	59199	0,3	56150	0,3	-3049

5. Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари	793701	4,3	903802	4,3	110101
Жами ишлаб чиқариш харажатлари	18418028	100	21108704	100	2690676

Жадвал маълумотлари асосида «Чиноз тажриба-экспериментал пахта тозалаш корхонаси» очик акционерлик жамиятининг ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил қилиб чиқишимиз мумкин бўлади. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, жами харажатда хом ашё, ёқилғи, энергия, ўров материаллари харажатларининг тутган улуши юқоридир. Уларнинг улуши базис давридаги 92,4 фоиз, яъни 17019779 минг сўм бўлган бўлса, ҳисобот даврига келиб 92,8 фоизни, яъни 19585709 минг сўмни ташкил этган. Шу давр ичида меҳнат ҳақи харажатларининг улуши эса 2,4 фоиздан, ҳисобот даврига келиб 2,1 фоизга пасайган. Амортизация ажратмалари ўтган йилга нисбатан 3049 минг сўмга пасайган. Бу эса таннархнинг пасайишига ҳамда корхонанинг унумдорлик даражасини ортишига сабаб бўлди.

3.2. ТОЛАНИНГ НАВЛАР БЎЙИЧА ТАННАРХИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Пахтачилик саноатида ишлаб чиқариладиган маҳсулот қўлланиладиган калькуляциялаш усулига кўра икки гуруҳга бўлинади; асосий маҳсулот-пахта толаси; қўшимча маҳсулот-пахта чигити, момиқ, момиқ аралашмалари чиқинди, ўлик аралашмалари чиқинди.

Пахта тозалаш саноатида қабул қилинган режалаштириш ва ҳисобга олиш усулига кўра калькуляциялаш объекти асосий-маҳсулот-пахта толаси ҳисобланади, унга қўшимча маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча харажатлар ҳам киритилади.

Пахта толаси ишлаб чиқариш таннархи О'zDST 604:2001 «Пахта толаси техникавий шартлар» Ўзбекистон давлат стандарти бўйича ўрнатилган ҳар бир саноат нави ҳамда унинг миқдори («ўртача нав») бўйича калькуляцияланади. Калькуляцияси алоҳида ҳолда ўрта ва узун пахта толалари, битта баҳо ҳар бир гуруҳлари ҳамда типлар ичида ҳар хил тола чиқишини берувчи селекцион навлар бўйича тузилади.

Қўшимча маҳсулотлар калькуляцияланмайди, унинг сотиш қиймати

асосий маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хом ашёси қийматини камайишига ўтказилади.

Калькуляциялаш бирлиги бўлиб селекция ва саноат навларига тўғри келадиган тойланган бир тонна тола миқдори ҳисобланади.

Пахта толаси калькуляциясини тузишда режалаштирилаётган йил бошидаги пахта хом-ашёсини қолдиғини ҳисобга олгандаги пахта хом-ашёси таннархининг режадаги калькуляциясини ҳамда ишлаб чиқариш сметасини тузишга асосланган бўлади. Пахта толаси калькуляциясида хом-ашё қиймати пахта хом-ашёси харид қиймати ва шу миқдордаги пахта хом-ашёсига тўғри келувчи тайёрлов транспорт харажатларига ажратилади. Пахта хом-ашёси умумий тайёрлов харажатларидан режадаги улгуржи нархлардаги қўшимча маҳсулотлар қиймати чегириб ташланади. Ушбу суммага ишлов бериш харажатлари жами суммаси қўшилиб пахта толаси ишлаб чиқариш таннархи аниқланади.

Қуйидаги жадвал маълумотлари асосида ҳисобот йилида ўрганилаётган «Чиноз тажриба-экспериментал пахта тозалаш корхонаси» очик акционерлик жамиятида пахтанинг харид баҳосидаги қиймати 13472164 минг сўмни ташкил этиб, режадагидан 5463476 минг сўмга кўпайган ёки бир тонна пахта толасига 790662,23 сўм/тоннага, тайёрлов транспорт харажатлари режадагидан 465810 минг сўмга ёки бир тонна толага 67411 сўм/тоннага кўпайган. Иккиламчи маҳсулотлар баҳоси чегирилган ҳолдаги хом ашё қиймати эса мос равишда тоннасига 760625,62 сўм/тоннага кўпайган.

Пахтани қайта ишлаш бўйича жами харажатлар ҳисоботда 134752 минг сўмни ташкил этиб, режадаги даражасидан 12242 минг сўмга камайган ёки бир тонна тола ишлаб чиқаришда 1060 сўм/тоннага арзонлашган. Шундай қилиб пахта толаси тўлиқ таннархи ҳисобот йилида ҳақиқатда режага нисбатан 19081 минг сўмга камайган, бу эса ушбу пахта тозалаш корхонасида мавжуд ресурслардан самарали фойдаланилганлигини кўрсатади.

"Чиноз пахта тозалаш корхонаси"да толанинг навлар бўйича калкуляцияга оид таннархи

Ўрта толали (средневолокнистый)									
Пахта толаси		Жами навлар вазни					6910 тонна		
		Қайта ишланган пахта					22266 тонна		
		Шу жумладан навлар ва таснифлар бўйича:							
		I	II	III	IV	V	жами		
1 тасниф		0	61	65		0	126		
2 тасниф		16365	2817	1734	681		21597		
3 тасниф		32	14	0		497	543		
Жами:		16397	2892	1799	681	497	22266		
Харажатларнинг калькуляцион моддалари	Қаторлар №	Барча харажат (минг сўм)				1 тонна харажати (сўм ва тийин)			
		Ўтган йилги нархлар да ҳақиқий ишлаб чиқарил ганда	Режа меъёрлари бўйича ҳақиқий ишлаб чиқарилга нда	Ҳақиқий харажат ларнинг пул миқдори	Фарқи (+,-)	Ўтган йил бўйича	Ҳисобот даври учун		Фарқи (+,-)
							Режа бўйича	Ҳисобот бўйича	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
I. ХОМ АШЁ									
Пахтанинг харид баҳоси	1	296333,64	13472164	18935640	5463476	42884,75	1949662	2740324	790662,23
Тайёрлаш транспорт харажатлари	2	47816,64	662571	1128381	465810	6919,91	95885,82	163296,8	67410,99
Истисно қилинади: иккиламчи маҳсулот баҳоси	3	90419,04	1506090	2179453	673363	13085,24	217958	315405,6	97447,61
Иккиламчи маҳсулот баҳоси чегарилган хом	4	253731,24	12628645	17884568	5255923	36719,43	1827590	2588215	760625,62

ашё баҳоси (ст. 1+2-3)									
II. ИШЛОВ БЕРИШ БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАР									
Ўраш материаллари	5	28162,8	422825	626596	203771	4075,65	61190,3	90679,59	29489,29
Асосий ишлаб чиқариш цехлари асосий ва қўшимча иш ҳақлари	6	17821,8	327377	439356	111979	2579,13	47377,28	63582,63	16205,35
Ижтимоий ва тиббий суғурта ажратмалари	7	4455,36	81844	109839	27995	644,76	11844,28	15895,66	4051,37
Умумий ишлаб чиқариш харажатлари (2510 счёт)	8	26526,96	745668	812525	66857	3838,923	107911,4	117586,8	9675,39
Пахтани қайта ишлаш харажатлари (5+6+7+8)	9	76966,92	1577714	1988316	410602	11138,48	228323,3	287744,7	59421,41
Ишлаб чиқариш таннархининг жами (4+9)	10	330698,16	14206359	19872884	5666525	47857,91	2055913	2875960	820047,03
Прейскурантдаги улгуржи нархлар бўйича сотиш баҳоси	11	498966,84	14512457	21102823	6590366	72209,38	2100211	3053954	953743,27

3.3. ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ МЕХНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир корхона ўз мақсадларини амалга оширишида асосий омил жонли инсон, яъни, корхона ходими туради. Корхона ходимларининг моддий ва маънавий манфаатдорлиги эса иш самарадорлигини ошишига олиб келади.

Истеъмол фонди харажатлари деганда корхонада банд бўлган ходимлар ва улар номидан тўланадиган харажатлар тушунилади. Бунга, меҳнат ҳақи сифатида ҳисобланадиган ва тўланадиган харажатлар, тўловлар, рағбатлантиришлар киритилади. Ходимлар номидан тўланадиган тўловлар таркибига уларнинг ишга қатнаши ва овқатланиши билан боғлиқ бўлган харажатлар, кийим-кечаклар, коммунал хизмат ва уй-жой учун тўловлар, уларни ўқитиш билан боғлиқ ва бошқа шу каби тўловлар киритилади.

Меҳнат ҳақи бу жамият кўламида миллий даромаднинг ишчилар ва хизматчилар ўртасида улар меҳнатининг миқдори ва сифатига мувофиқ тақсимланадиган ҳамда шахсий истеъмоли мақсадлари учун фойдаланиладиган қисмидир. Корхона меҳнатга ҳақ тўлашдан меҳнат унумдорлигини оширишни, фан техника тараққиётини жадаллаштиришни, маҳсулот сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни энг муҳим воситаси сифатида фойдаланилади. Иш ҳақини ташкил этиш ва уларни шакллантиришдан асосий мақсад барча ходимларни иш ҳақи якка ва коллектив меҳнат натижаларига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлишига эришишдан, меҳнатга ҳақ тўлашнинг текисчилик элементларини бартараф этишдан иборат.

Корхонада меҳнат ҳақи харажатларини таҳлил этишда меҳнат ҳақи фондининг режа ва ўтган йилларга нисбатан ўзгариши ва ўзгариш сабабларига, бир ходимга тўғри келадиган ўртача меҳнат ҳақи фонди ҳамда унинг ўзгаришига баҳо берилади. Меҳнат ҳақи фондининг шаклланиши ва унинг берилиши давлат ташкилотлари томонидан тартибга солиб турилади ва назорат қилинади. Бу бевосита кредит ташкилоти ҳисобланган банк

тизими ва унинг бўлимлари бўлиши мумкин. Меҳнат ҳақи фондининг ҳисобланиши ва берилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ҳар йили қайта тузиладиган услубий йўриқнома бу борадаги меъёрий ҳужжат сифатида олинади.

Бугунги кунда корхоналарда ходимларнинг иш ҳақини таҳлил этишнинг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Базис даври ва режадаги иш ҳақи фондининг реаллигини баҳолаш.
2. Иш ҳақи фондининг мутлоқ ва нисбий фарқларини аниқлаш.
3. Иш ҳақи фондида таъсир этувчи омилларни миқдор жиҳатидан ўлчаш.
4. Иш ҳақи фонди таркибидаги унумсиз харажатларни ҳисоблаш.

5. Меҳнат унумдорлиги билан ўртача иш ҳақи ўртасидаги нисбатни таннархга бўлган таъсирини ҳисоблаш. Иш ҳақининг мутлоқ фарқини аниқлаш учун сарфланган иш ҳақи фондини базис давридагиси билан таққослаш лозим.

Нисбий фарқни аниқлаш учун ҳақиқий сарфланган ҳисобот давридаги иш ҳақи базис давридаги иш ҳақини маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига корректив қилинган кўрсаткичлар билан таққосланади.

8-жадвал.

«Чиноз тажриба-экспериментал пахта тозалаш корхонаси» очик акционерлик жамиятидаги асосий ишлаб чиқариш ходимлари иш ҳақи фондининг таҳлили.

Кўрсаткичлар	Базис даври	Ҳисобот даври	Фарқи (+,-)	
			Суммадаги, минг сўм	Ҳоиздаги, %
1.Маҳсулот (иш, хизмат)лар ҳажми солиштира улгуржи баҳода, минг сўмда	15579298	27684745	12105447	77,7
2. Асосий ишлаб чиқариш ходимларининг иш ҳақи фонди, минг сўмда	436280	450435	14155	3,2
3. Иш ҳақини бериш коэффиценти	0,7	X	X	X
4. Иш ҳақи фондини қайта ҳисоблаш коррективкаси, минг сўмда	673572,69	450435	-223138	-33,1

Ҳисоб-китоблар:

1. Маҳсулот ҳажмининг базис даврига нисбатан ўсиши - $+77,7\%$

2. Иш ҳақининг қўшимча ортиши - $+77,7 * 0,7 = +54,39$

3. Иш ҳақи коррективировкаси

$436280 * (100 + 54,39) / 100 = 673572,7$ минг сўм

4. Иш ҳақининг нисбий фарқи

$450435 - 673572,7 = -223138$ минг сўм.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ўрганилаётган даврда «Чиноз тажриба-экспериментал пахта тозалаш корхонаси» очик акционерлик жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми солиштирама улгуржи баҳода базис даврига нисбатан $77,7\%$ га кўпайган бўлсада, иш ҳақи фонди $3,2\%$ га ортган. Бунинг натижасида мазкур корхонада жорий йилда белгиланган нормативдан ортиқча меҳнат сарфи қилинмаган, аксинча меҳнат сарфи ходимлар разрядининг ўзгарганлиги, ҳукумат қарорлари таъсир этганлиги сабабли иқтисод қилинган. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини иш ҳақи фондига нисбатан юқори даражада ортиши маҳсулот таннархининг пасайишига олиб келади.

IV-БОБ. ЭКОЛОГИК ҚИСМ.

4.1. ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИДА ЭКОЛОГИК ХАРАЖАТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ.

Миллий хавфсизликнинг потенциал хавф-хатарини кўриб чиқиш жараёнида, асосий эътиборни экологик хавфсизлик ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларига қаратиш зарур. Тан олиш керакки, йиллар давомида маъмурий буйруқбозлик тизими шароитида бу муаммоларни ҳал этиш билан жиддий шуғулланишмаган. Аслида бу муаммолар алоҳида илм аҳлининг изланишлари асоси бўлди, ўз ватанининг келажаги учун қайғураётган, бефарқ қарай олмаётган инсонларнинг “қалб хайқириғи” эди.

Экологик хавфсизлик анча олдин миллий ва ҳудудий муаммолар чегарасидан чиқиб, одамзоднинг глобал муаммосига айланган. Табиат ва инсон бир-бири билан белгиланган қонунлар асосида уйғунликда фаолият юритади. Ушбу қонунларнинг бузилиши тўхтатиб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этишда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳиссаси каттадир.

Экологик хавфсизлик долзарблиги ва инсоният учун муҳимлиги жиҳатидан муҳим муаммолар қаторида туради.

Муаммонинг конструктив ечими кўп жиҳатдан ҳозирги ва келажак авлодларнинг ҳаёт сифатини ҳамда шароитини белгилаб беради, иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш жабҳаларида экологик безарар техник ривожланишни таъминлайди. Маълумки, табиат аҳволининг ёмонлашуви бирданига рўй бермайди, бу жараён узок йиллар давомида кузатилади, бошқача айтганда экологик ҳолат секин-асталик билан йиғилиб борилади.

Ернинг маиший ва саноат чиқиндилари билан интенсив ифлосланиши реал хавф туғдиради. Ҳар хил турдаги кимёвий воситалар, зарарли моддалар ҳамда минерал ўғитларнинг қўлланилиши, уларни сақлаш, ташиш, ҳамда ҳисобдан чиқариш қоидаларининг қўпол бузилиши ернинг ифлосланишига олиб келмоқда, ундан янада самаралироқ фойдаланишни чеклаб қўймоқда.

Энг долзарб экологик муаммо, миллий фалокат-бу Орол денгизининг куришидир. Орол муаммоси узоқ ўтмишга бориб такалади. Лекин хавф солувчи даражаси айниқса сўнгги ўн йилликда бўлди. Бутун Марказий Осиё худудида сув тизимининг интенсив курилиши Оролнинг куришига сабаб бўлди.

Шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммосига ҳам катта эътибор қаратмоқда. Шундай қилиб, 1988 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон ҳукуматининг махсус қарори билан Атроф муҳитни ҳимоя қилиш ва унинг аҳволини назорат қилиш қўмитаси тузилди.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йиллари мобайнида ушбу қўмита мутахассислари томонидан 35 дан зиёд Қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонун ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Ушбу қонуннинг Миллий экологик сиёсат ва стратегиясини мукаммаллаштириш қисми асосида 2013-2017 йилларда атроф муҳитни, табиатни муҳофаза қилиш дастури ишлаб чиқилди. Қисман бу дастурнинг йўналишларидан бири бу бир бино ичида экологик тоза пахта тозалаш заводини ташкил этиш муаммоси ҳисобланади. Пахта хом ашёсини қуритишдан то толани пресслашгача бўлган жараёни ускуналарининг бундай шаклда жойлаштирилиши электроэнергиянинг тежалиши, транспорт ҳаво миқдорининг камайиши, ноодатий ҳаво тозалаш усулларида фойдаланиш зарурати камайиши корхона учун маҳсулот таннархининг пасайишига, бу эса ўз навбатида фойданинг ошишига олиб келади. Ва энг асосийси, бу бугунги кунда бутун дунё бўйича қабул қилинган технологик жараённинг замонавий тамойилларига жавоб беради. Ушбу тамойилларга асосан, иқтисодий самарадорликка эришиш учун ишлаб чиқариш лойиҳасини тузиш жараёнида асосий кўрсаткич сифатида экологик факторга бўйсунтириш лозим.

Бугунги кунда кўпгина пахта тозалаш корхоналарида қуритиш-тозалаш ва линтерлаш бўлимлари заводнинг асосий биносига яқинлашганда ушбу

тенденция кузатилмоқда.

Шунинг асосида ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларини бир бино ичида бирлаштириш зарурияти туғилди, яъни ХХІ асрнинг экологик тоза пахта тозалаш корхонаси лойиҳасини ҳаётга татбиқ этишни яқинлаштириш.

Пахта саноатида иқтисодий экологик қувват тежайдиган технологиялар йўналиши бўйича Б.О.Омонов, А.К.Қудратов, А.А. Жўраев (ТТЕСИ) каби олимлар изланишлар олиб борганлар.

Қуриштиш-тозалаш ҳамда жинлаш-линтерлаш машиналарини бундай жойлаштиришнинг асосий тамойили пахта хом ашёсини ташиш фақатгина механик транспортда амалга оширилишини талаб этади.

Бугунги замонавий пахта тозалаш корхоналарининг ўлчамлари жинлаш-линтерлаш бўлимига 2 та 5 ДП-130 жин ва 3 батареяли 5 ЛП линтерларини ўрнатишга мўлжалланган. Бу ҳолатда пахта тозалаш корхонасининг асосий биноси технологик жараёнидан 1 та сепаратор олиб ташланди. Бу ўз навбатида транспорт ҳавони $6\text{м}^3/\text{сек}$ га камайтиради.

Агар пахта тозалаш корхонасида технологик ҳаводан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилса, умумий техник ҳаво бўйича $40\text{м}^3/\text{сек}$ ёки 144 минг $\text{м}^3/\text{соатга}$ қисқаришига эришилган бўлар эди.

Ушбу муаммолар ҳал этилганда 1 та пахта тозалаш корхонасида электроэнергия иқтисоди 150-200 кВт/соатгача қисқаришига эришилади.

IV-БОБ. ЭКОЛОГИК ҚИСМ.

4.1. ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАЛАРИДА ЭКОЛОГИК ХАРАЖАТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ.

Миллий хавфсизликнинг потенциал хавф-хатарини кўриб чиқиш жараёнида, асосий эътиборни экологик хавфсизлик ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларига қаратиш зарур. Тан олиш керакки, йиллар давомида маъмурий буйруқбозлик тизими шароитида бу муаммоларни ҳал

этиш билан жиддий шуғулланишмаган. Аслида бу муаммолар алоҳида илм аҳлининг изланишлари асоси бўлди, ўз ватанининг келажаги учун қайғураётган, бефарқ қарай олмаётган инсонларнинг “қалб хайқириғи” эди.

Экологик хавфсизлик анча олдин миллий ва ҳудудий муаммолар чегарасидан чиқиб, одамзоднинг глобал муаммосига айланган. Табиат ва инсон бир-бири билан белгиланган қонунлар асосида уйғунликда фаолият юритади. Ушбу қонунларнинг бузилиши тўхтатиб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этишда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳиссаси каттадир.

Экологик хавфсизлик долзарблиги ва инсоният учун муҳимлиги жиҳатидан муҳим муаммолар қаторида туради.

Муаммонинг конструктив ечими кўп жиҳатдан ҳозирги ва келажак авлодларнинг ҳаёт сифатини ҳамда шароитини белгилаб беради, иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш жабҳаларида экологик безарар техник ривожланишни таъминлайди. Маълумки, табиат аҳволининг ёмонлашуви бирданига рўй бермайди, бу жараён узок йиллар давомида кузатилади, бошқача айтганда экологик ҳолат секин-асталик билан йиғилиб борилади.

Ернинг маиший ва саноат чиқиндилари билан интенсив ифлосланиши реал хавф туғдиради. Ҳар хил турдаги кимёвий воситалар, зарарли моддалар ҳамда минерал ўғитларнинг қўлланилиши, уларни сақлаш, ташиш, ҳамда ҳисобдан чиқариш қоидаларининг қўпол бузилиши ернинг ифлосланишига олиб келмоқда, ундан янада самаралироқ фойдаланишни чеклаб қўймоқда.

Энг долзарб экологик муаммо, миллий фалокат-бу Орол денгизининг қуришидир. Орол муаммоси узок ўтмишга бориб тақалади. Лекин хавф солувчи даражаси айниқса сўнгги ўн йилликда бўлди. Бутун Марказий Осиё ҳудудида сув тизимининг интенсив қурилиши Оролнинг қуришига сабаб бўлди.

Шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммосига ҳам катта эътибор қаратмоқда. Шундай қилиб, 1988 йилнинг

апрель ойида Ўзбекистон ҳукуматининг махсус қарори билан Атроф муҳитни ҳимоя қилиш ва унинг аҳволини назорат қилиш қўмитаси тузилди.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йиллари мобайнида ушбу қўмита мутахассислари томонидан 35 дан зиёд Қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонун ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Ушбу қонуннинг Миллий экологик сиёсат ва стратегиясини мукаммаллаштириш қисми асосида 2013-2017 йилларда атроф муҳитни, табиатни муҳофаза қилиш дастури ишлаб чиқилди. Қисман бу дастурнинг йўналишларидан бири бу бир бино ичида экологик тоза пахта тозалаш заводини ташкил этиш муаммоси ҳисобланади. Пахта хом ашёсини қуритишдан то толани пресслашгача бўлган жараёни ускуналарининг бундай шаклда жойлаштирилиши электроэнергиянинг тежалиши, транспорт ҳаво миқдорининг камайиши, ноодатий ҳаво тозалаш усулларида фойдаланиш зарурати камайиши корхона учун маҳсулот таннархининг пасайишига, бу эса ўз навбатида фойданинг ошишига олиб келади. Ва энг асосийси, бу бугунги кунда бутун дунё бўйича қабул қилинган технологик жараённинг замонавий тамойилларига жавоб беради. Ушбу тамойилларга асосан, иқтисодий самарадорликка эришиш учун ишлаб чиқариш лойиҳасини тузиш жараёнида асосий кўрсаткич сифатида экологик факторга бўйсунтириш лозим.

Бугунги кунда кўпгина пахта тозалаш корхоналарида қуритиш-тозалаш ва линтерлаш бўлимлари заводнинг асосий биносига яқинлашганда ушбу тенденция кузатилмоқда.

Шунинг асосида ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларини бир бино ичида бирлаштириш зарурияти туғилди, яъни ХХІ асрнинг экологик тоза пахта тозалаш корхонаси лойиҳасини ҳаётга татбиқ этишни яқинлаштириш.

Пахта саноатида иқтисодий экологик қувват тежайдиган технологиялар йўналиши бўйича Б.О.Омонов, А.К.Қудратов, А.А. Жўраев (ТТЕСИ) каби олимлар изланишлар олиб борганлар.

Қуритиш-тозалаш ҳамда жинлаш-линтерлаш машиналарини бундай жойлаштиришнинг асосий тамойили пахта хом ашёсини ташиш фақатгина механик транспортда амалга оширилишини талаб этади.

Бугунги замонавий пахта тозалаш корхоналарининг ўлчамлари жинлаш-линтерлаш бўлимига 2 та 5 ДП-130 жин ва 3 батареяли 5 ЛП линтерларини ўрнатишга мўлжалланган. Бу ҳолатда пахта тозалаш корхонасининг асосий биноси технологик жараёнидан 1 та сепаратор олиб ташланди. Бу ўз навбатида транспорт ҳавони $6\text{м}^3/\text{сек}$ га камайтиради.

Агар пахта тозалаш корхонасида технологик ҳаводан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилса, умумий техник ҳаво бўйича $40\text{м}^3/\text{сек}$ ёки 144 минг $\text{м}^3/\text{соат}$ га қисқаришига эришилган бўлар эди.

Ушбу муаммолар ҳал этилганда 1 та пахта тозалаш корхонасида электроэнергия иқтисоди 150-200 кВт/соатгача қисқаришига эришилади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Мазкур битирув малакавий иши пахта тозалаш корхоналарида инвестицияларнинг ҳисоби ва таҳлилини ўрганиш заруриятининг муҳимлигини кўрсатмоқда.

Ушбу муаммоларнинг назарий ва амалий асосларини ўрганиш нуктаи назаридан қуйидаги хулосаларни билдириш мумкин:

1. Ҳозирги модернизациялаш шароитида инвестицияларни, шу жумладан чет эл инвестицияларини тўғридан тўғри жалб этиш муҳим иқтисодий аҳамиятга эгадир.

2. Ишлаб чиқаришга янги технологияларни киритиш маҳсулот сифатини оширади ва таннархини камайтириш бўйича захира яратиш имконини беради.

3. Жорий ишлаб чиқаришда технологик жараёнларни оптималлаштириш ва замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобига хом ашё, материал ва эҳтиёт қисмлари харажатларини меъёр асосида қўллаш;

- амортизация харажатларини камайтириш;
- ишлаб чиқариш жараёнида ташкилий тизимни мукамаллаштириш;
- бошқарув ва техник ходимларни сонини оптималлаштириш;
- транспорт харажатларини қисқартириш.

4. Пахта саноати корхоналарини бевосита ЭИЗ ҳудудиди ташкил этиш мақсадга мувофиқ, бу эса маҳсулот таннархини пасайтиришга олиб келади.

5. Пахта саноати корхоналарида бухгалтерия ҳисобини БЭМ дастурий маҳсули асосида ташкил этиш зарур, бу эса молиявий ҳисоботдаги маълумотларнинг шаффофлигини тaminлайди. Бу чет эл инвестицияларини кенг жалб этишга асос бўлади деб ҳисоблаймиз.

6. Пахта саноати корхоналарида бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқора стандартларига мос равишда ташкил қилиш ва юритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги Қонуни. 1996 йил 30 август.—Т.: Адолат,1996.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. —Т.:Ўзбекистон, 2014.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар тўғрисида” ги Қонуни. 1991 йил 15 феврал.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида” ги Қонуни.—Т.: Адолат,1996.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонуни. 2002 йил 12 декабрь.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида Т., 2013 йил 25 декабрь, ПҚ-2099-сон.
7. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Тошкент: Ўзбекистон, 2009. - 56 б.
8. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. – Т.: Ўзбекистон. 2014.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида” ги Низом тўғрисидаги 1999 йил 5 февраль 54-сон қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг «2007 - 2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида» 2007 йил 3-апрелдаги 70 – сонли Қарори.
11. “Саноатда сарф харажатларни қисқартириш бўйича” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 ноябрдаги 333-сонли

Қарори.

12. № 4, 5, 19, 21 – сонли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари
13. Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. – Т.: Молия, 2003. -224 б.
14. Алиқулов А.И. Пахта тозалаш корхоналари фойда ва харажатлар таҳлили.-Т.: «Fan va texnologiya», 2008.-217 б.
15. Баканов М.И., Мельник М.В. Теория экономического анализа. -М.: Финансы и статистика, 2006. -536 с.
16. Ваҳобов А. ва бошқалар. Молиявий ва бошқарув таҳлили.-Т.: Молия, 2012.
17. Ефимова О.В. Финансовый анализ. – М.: Бухгалтерский учет, 2002.-136 с.
18. Исаев Р.А. Хасанов Б.А. Пахта тозалаш корхоналари хўжалик фаолияти таҳлили.-Т.: Ўқув қўлланма. 2008.-259 б.
19. Методические рекомендации по планированию, учёту и калькулированию себестоимости продукции на предприятиях хлопкоочистительной промышленности. Под редакцией А.Х. Тиллаходжаева Т.: Мехнат 1996.-133с.
20. Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. – Т.: «Ғафур Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриёти», 2008 й., 230 б.
21. Хасанов Б.А., Мажидов А.А., Фазылова А.Н., Аликулов А.И. Калькулирование себестоимости продукции. Учебное пособие Т.: -2008. 159с.
22. Хошимов А. Мажидов А.А. Пахта тозалаш корхоналарида бухгалтерия ҳисоби. Т.: Шарқ 2013.
23. “Ўзпахтасаноат” уюшмаси кенгаши йиғилиши баёни. 25.01.2014.
24. «Чиноз тажриба-экспериментал пахта тозалаш корхонаси» ОАЖ нинг 2012-2013 йиллар бўйича молиявий ҳисобот маълумотлари.
25. Интернет сайтлари:
<http://www.tfi.uz>
<http://www.ziyonet.uz>

ИЛОВАЛАР